

ШАРҲ

Мазкур маъруза матнида ЧЁТ фанига доир бўлган асосий курсаткичларга таяниб тайёрланган. Унда ЧЁТ мақсад ва вазифаларини, Ўқув масканларида чақириқча тайёргарлик моддий-техникавий базасининг элементларини тайёрлаш жараёни, Чақириқча тайёргарлик бўйича кириш дарсларининг ўтилиши услуги, Ҳарбий раҳбарнинг услубий тайёргарлигининг шаклланиши мавзуларидага доир барча кўрсатмалар батафсил келтирилган.

1-Мавзу

Чақириқча тайёргарлик дарсларининг сифат ва самарадорлигини ошириш йўллари

1. ЎЧТ дастури
2. «БХТ услугиёти» ўқув қўлланмаси.
3. БХТ бўйича дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш.
4. Ёшлар БХТи ҳақидаги қоидалари
5. Ўқувчиларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлиги ва унинг педагогик асослари.

Шундай қилиб, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ташкил этилади ва олиб борилади.

ЧХТ жараёнида қуйидагиларни эгаллашлари керак:

- Ўзбекистон Республика Конституцияси қоидаларини ўзлаштириб олиш;
- Қуrolли Кучлар вазифаси, уларнинг хусусиятлари ва характерларининг ҳарбий хизматдаги аҳамияти;
- Ўзбекистон Республика фуқаросининг муқаддас бурчи – ҳарбий қасамёднинг асосий талаблари, Қуrolли Кучлар Низомини тушуниб олиш;
- ҳарбий қисм қуrollари ва ҳарбий техникаси, шахсий тартибнинг ҳаёти ва жойлашиши билан танишиб олиш;
- ёшларни тайёрлаш ҳажмида зарур ҳарбий билим ва амалий маҳоратларга эга бўлиш;
- фуқаролар ҳимояси асосини ўзлаштириб олиш ва келажакда Қуrollи Кучлар сафига чақириладиган ўсмирлар қисқа вақт ичида замонавий қуrollаниш, ҳарбий техникани эгаллаб олишлари учун фуқаро ҳимояси асосларини ўзлаштириш ва оммавий қирғин қуrollидан ҳимояланиш кўникмаларини эгаллаш.

Йигитлар учун ЧХТга ўқув юртларида 140 ўқув соати ажратилади. Қизлар фуқаролар муҳофазаси ва тиббий билимлар асослари (ФХ, ТБА) учун 70 соат ажратилади.

Машғулотларни талабга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш учун ва низом талабларини бажариш, ўқувчиларга амалий кўникмаларни сингдириш мақсадида ҳар бир синф, ўқув гуруҳи взвод деб номланган ва уч бўлимга бўлинади. Ўқувчилардан ўқув юрти директори буйруғи билан ўқув юрти раҳбари томонидан взвод ва бўлим командирлари тайинланади.

ЧХТ бўйича машғулотлар командир томонидан взвод сафлаш ва машғулотга тайёргарлиги ҳақида ҳисобот бериш билан бошланади. Ўқувчиларни командаларни тўғри бажариш, сафда тартибни сақлаш, саф тортишга ўргатиш одатда ҳарбий раҳбар, инструктор иштирокида амалга оширилади.

Ҳисобот шакли: «Ўртоқ лейтенант (ҳарбий раҳбар) 2 чи взвод 20 та курсантлардан иброат бўлиб, тактик тайёргарлик бўйича машғулотларга саф тортди. Взвод командири - ўқувчи».

Ҳисобот бергандан сўнг взвод командири қўлини бош кийимидан тушурмай (агарда у бош кийимида бўлса), чап (ўнг билан) оёғи билан четга бир қадам қўйиб бир вақтнинг ўзида ўнгга (чапга) қайрилади ва машғулот раҳбарининг олдинга ўтказиб юбориб, унинг орқасидан бир-икки қадам орқага ва сафнинг ташқи томонидан боради. Ҳисобот қабул қилиб, машғулот раҳбари сафнинг ўртасига боради, улардан уч-тўрт қадам нарида тўхтаб,

сафга қараб юзи билан туради ва ўқувчилар билан саломлашади «Салом (курсант) аскарлар, ўқувчилар». Ўқувчилар саломга баланд овоз билан, аниқ ва биргаликда жавоб берадилар «Салом ўртоқ лейтенант».

Машғулотларда ҳар доим тартиб ва интизом сақланиши керак. Ҳарбий раҳбар ўқувчи билан муносабатда бўлганида у дарҳол ўрнидан туради ва «ростлан» ҳолатини бажаради, ўзини таништиради: «фалончи ўқувчи». Агар машғулот раҳбари ўқувчига фамилиясини айтиб мурожаат қилса, у «мен» деб жавоб қайтаради. Ўтиришга рухсат олиб, ўқувчи «хўп бўлади» дейди ва тез шовқинсиз ўз жойига ўтиради. Ўқувчи ҳарбий раҳбарга мурожаат этишида қўлни кўтаради ва рухсат олганидан кейин ўрнидан туради «ростлан» ҳолатини қабул қилади, ўзини таништиради ва савол беради.

Ўқув жойларида инструктор ўқувчига мурожаат қилганда ёки акси ўқувчи ўзини таништиради: «хизматга тайёргарлик кўрувчи Ахмедов» ёки «хизматга чақирилувчи Ахмедов».

Машғулотлар (дарс) тугагандан сўнг взвод командири машғулот раҳбари рухсати билан «ростлан» ёки «турилсин, ростлан» командалари берилади. Машғулот раҳбари «хайр ўқувчилар» дейди. Ўқувчилар биргаликда «саломат бўлинг, ўртоқ лейтенант» (ҳарбий раҳбар) деб жавоб қиладилар ва «эркин» командаси берилганидан сўнг ҳарбий кабинетдан олдин ҳарбий раҳбарни ўтказиб юбориб чиқадиладар, тунда ўқув юрти чиқиш ёки кириш жойига келиб, «эркин, тарқал» командаси берилади.

Ўқувчилар машғулотларга тайёрланиб ва ўқув юртида кўрсатилганича кийинган бўлиб келишлари керак, ўқув юртида кийиниш тартиби, сафда текис ва калта соч билан юриш тавсия этилади.

Йил фаслига қараб кийиниш формалари турлича бўлиши мумкин, масалан: №1 – ҳарбий хона (синфда) машғулотлар учун – бир тусдаги шим, костюм, кўйлак, галстук, туфли (пас пошналар) ёки мактаб формаси; №2 – сафда машғулотлар ўтказиш - шу каби, яъни №1 вариантдаги ва бундан ташқари бош кийими, №3 – сафда, дала шароити ва машғулот ўтказиладиган майдонда – иш кийими формаси (куртка, шим), бош кийими; №4 – спорт залида замонавий тарбия машғулотлари – спорт оёқ кийими ва шу каби.

Ҳарбий кийимда юриш - ҳарбий раҳбар, захирадаги офицерлар учун машғулотлар ўтказиш пайтларида мажбурий ҳисобланади. Амалий машғулотлар бошланиши олдидан тартиб қойдалари ва ўрганилаётган саволлар бўйича ҳаракатларда хавфсизлик чоралари қисқача баён этилади.

Машғулотларга тайёрланишда (дарсга) машғулотлар раҳбарига қуйидагилар тавсия этилади:

- мавзу ва ўқув саволларини аниқлаб олиш;
- ўқув ва тарбиявий мақсадлари, ўқув саволларини ишлаб чиқиш. Илгари ўрганилган материалларни ўзлаштириш даражасини текшириш, ўтказиш бўйича машғулот ва саволларни маънавий таъминлаш;
- машғулотга мувофиқ низом боблари, кўрсатмалар, ўқув ва бошқа амалиётларни ўрганиб чиқиш;
- усул (ҳаракатлар)ни бажаришда машқ қилиб олиш;
- уй вазифасини белгилаб олиш.

Машғулот ўтказиш жойи ва моддий таъминланиши олдиндан тайёрланган бўлиши керак.

Амалий тактик саф тортиш, тематик машғулотларга тайёрланишда машғулот раҳбари ёрдамчилари билан инструктор ўтказди (техник шароитни машқ қилиш), ўқувчилар билан услуб ва ҳаракатларни қай тартибда ўрганишни кўрсатади, уларга бу услуб ва ҳаракатларни тўғри бажаришга ўргатади.

Машғулотга тайёрланиш (дарс) машғулот режа-конспектини тузиш билан якунланади. Машғулот (дарс) кириш, бир-бири билан боғлиқ асосий ва якуний қисмлардан ташкил топади. Кириш қисмида взвод саф тортади, машғулот раҳбарига ахборот берилади, ўқувчилар ташқи кўриниши кўздан ўтказилади ва улар билан илгари

ўрганилган материал ўзлаштириш даражаси текширилади. Ҳар бир саф тортишда взвод раҳбари сафнинг тўғри ва текислигига эътиборни қаратади, сафда интизом сақланиш, сафда туриш низоми талабларига мувофиқ сафда туриш ва саф тортишда ўқувчилар вазифаларини бажаришлари ва камчиликларни бартараф этишга эришиши керак. Бундан ташқари мулоқотларнинг бу қисмида улар билан бўш ўзлаштириб олинган сафдаги услублар ва командалар бажарилиши машқ қилинади. Бунинг учун 5 дақиқа ажратилади. Илгари ўтилган материалларни текшириш ўқувчиларга савол бериш ва услуб ва ҳаракатларни бажаришларини текшириш, жавобларига баҳо беришдан иборат бўлади (амалий усул, ҳаракат).

Машғулотлар асосий қисми машғулот мавзуси ва мақсадлари маълум қилингандан сўнг ўқув саволлари мазмунига қараб, янги материал билан таништирилади ва мустақамланади ёки усул, ҳаракатларга ўқитилади ёки барабар иккаласи ўтилади.

Янги материални мустақамлаш савол-жавоб ўтказиш ва усул ҳаракатларини бажариш орқали бутун материални ёки бир қанча асосий саволларни баён этишдан сўнг ўтилади. Усул ва ҳаракатларга, ўқитиш, одатда, белгиланган тартибда олиб борилади.

Машғулот раҳбари усул ва ҳаракатларни умумий намуна қилиб кўрсатиб беради, шундан сўнг ўқувчиларни унинг белгилари бўйича ўрганиб олиш тартиби билан таништиради, 1-белгиси бажарилишини тушунтириб кўрсатади ва ўқишга киришади, услубни (ҳаракатни) ўрганиб олиш секинлаштирилган суратда бошланади, бунда асосий эътибор уни тўғри бажарилишига қаратилади, кейинчалик машқ сурати оширилиб борилади, усулларни (ҳаракатларни) белгиларга бўлиб ўрганиб олинганидан сўнг раҳбар усулни умуман бажаришни ўргатишга ўтади.

Машғулотлар якуний қисмида уларнинг натижалари мужассамлаштирилиб, ўқувчилар машғулотда бажарган ишларига баҳо берилади, жавоб ва ҳаракатларидаги камчиликлари кўрсатилади, яхши жавоб бериб машқни тўғри бажарган ўқувчилар кўрсатилиб ўтилади, зарур бўлса уйга топшириқ берилади ҳамда навбатдаги машғулот мавзуси ва кийиниш формаси маълум қилинади.

ЎЧТ бўйича ўрта махсус ўқув юртларида машғулотларнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши умумтаълим мактабларидан фарқи ҳарбий раҳбар ишнинг ўзига хослигидадир. Бу фарқ ўқувчилар индивидуал ва ёши хусусиятларининг ҳисобга олинишида ифодаланади.

Ўрта махсус ўқув юрти қиз ва йигитлари бир-бирларидан ривожланиши, назарий тайёрланганлиги, умумий тарбиявийлиги, ҳаётий тажрибаси, қизиқишлари ва бошқалар билан фарқ қилади. Педагогик жамоа бунга алоҳида эътибор бериши керак.

Айниқса, 15-16 ёшли ўқувчилар имкон борича янада кўпроқ турли маълумот ва билимлар олишга интилиши, балки ўқув юрти ижтимоий ҳаётида иштирок этиш истагида ифодаланадиган юқори ижтимоий фаоллик кўрсатади.

Машғулотларнинг ўзига хослиги шундаки, ҳарбий раҳбар машғулотларни кўп сонли гуруҳлар билан ташкил қилиши ва ўтказиши керак, бу баъзида ортиқча оғирликка олиб келади. Шунда мазкур ўқув юрти захирадаги зобит ёки бу вазифани удалай оладиган бошқа фан ўқитувчиларини четдан соат ҳақ тўлашга кўра ЎЧТ ўқитувчиси лавозимига ишга таклиф қилишга ҳақли.

ЎЧТ бўйича ҳарбий-ватанпарварлик тарбия ва ўқув жараёнини ташкил қилишда қишлоқ хўжалиги ҳамда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш учун мазкур ўқув юртида мутахассисларни тайёрлаш йўналиши назарда тутилиши керак, яъни фаолият турига кўра (авиация саноати, радио соҳаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш) иш йўналтирилган бўлиши керак.

Илгари айтганимиздек ўқиш вақти бир йилдан уч йилгача бўлганлиги учун ўрганиладиган мавзулар ҳажми ҳам шунга мос ўрганилади. Бир йиллик дастур бўйича 70 соат, 2 йиллик ва ундан кўпроқ дастур учун ЎЧТ тўла ҳажми ўтказилади. Ҳарбий ватанларварликда тарбиялаш ва ЎЧТ бўйича ўқув жараёнида ушбу ўқув юртида мутахассислар тайёрлаш соҳаси ҳисобга олиниши керак. Биринчи машғулот саволини

яқунлашда раҳбарга ҳар бир машғулот ўқувчиларда маънавий-сиёсий сифатларини тарбиялаш, ватанни ҳимоя этиш бўйича ўз бурчини бажаришга тайёрлаш, уларда ўқув мавзулари ҳажмида Қуролли Кучлар низом талабларига мувофиқ ахлоқ ва ҳаракатлар кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши кераклигини талабаларга тушунтириш тавсия этилади. Иккинчи ўқув саволини тушунтиришга киришар экан, раҳбар ўқув саволларига ўқувчилар ўзлаштиришларини текшириш ва баҳолаш, маҳорат ва кўникмаларни эгаллаш ўқув жараёнининг мажбурий белгилари бўлиши кераклигидан бошлаши керак. Мунтазам назорат – биринчи навбатда, ўқувчиларнинг турли босқичларда билим ва маҳоратларининг шаклланишини бошқаради, у катта умумтаълим ва тарбиявий аҳамиятга эга. Билим, маҳорат ва амалий кўникмаларни текшириш ва баҳолаш мунтазам олиб борилиши, тўғри ва чуқур объектив ўқувчилар шахсининг яхши сифатларини юзага келтиришга ёрдам берадиган бўлиши керак. Ўқиш амалиётида доимий ва якуний текширишлар кенг қўлланилади. Ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича билим ва амалий кўникмаларни доимий текшириш ҳар бир дарсада сўров шаклида ажратилган вақтда тушунтириш жараёнида, материални такрорлаш, мустаҳкамлаш ҳамда уй вазифасини текширишда бажарилади. Доимий текшириш турли шаклларда биргаликда фойдаланиш ўқувчиларнинг ўзлаштириш фаолиятини фаоллаштиради.

Доимий текшириш, шунингдек барча ўтилган мавзу ўзлаштирилишини назорат қилиш мақсадида ҳам олиб борилади. Ҳарбий раҳбар мавзунинг асосий мазмунини билмасдан туриб, жавоб бериб бўлмайдиган савол бериши мумкин. Бундай текширишлар ўқувчиларни мантикий фикрлаб, материалда асосий маънони топишга ўргатади. Ўқиш вақтини тежаш мақсадида турли ўқитиш ва текшириш технологик воситаларини кенг қўллаш мумкин.

Якуний текшириш ҳар бир чорак ёки ўқув йили охирида ўтказилади. Унинг мақсади - ҳарбий хизматга тайёрлаш фани бўйича ўқишда эришилган натижаларни объектив баҳолаш.

Доимий ва якуний текширишнинг кенг тарқалган шакли ўқувчиларни индивидуал ва фронтал сўров қилишдир. Индивидуал сўровда ўқувчи ёзув тахтаси олдида жавоб бериб, зарур бўлса, керакли жавобларни ёзиб чиқиб кўрсатади. Ўқувчи жавобини бутун синф эшитиши, жавобдан сўнг ўқувчилар уни тўлдиради, хатоларини тузатади.

Фронтал сўровда, одатда, ҳамма ўқувчилар текширишдан ўтказилади. У ёзма ва оғзаки бўлиши мумкин. Бутун ўтилган материалларни қамраб оладиган чақириқчага тайёрлаш дастурининг бутун ёки бир қисмини ўрганиб бўлгандан сўнг якуний баҳоларни қўйиш учун ўқувчилар билим ва кўникмалари даражасини аниқлаш мақсадида назорат машғулотлари ўтказилади. Турли саволларни қўйиш тартибини пухта ўйлаб чиқиш керак. Бу машғулотларда ҳар бир ўқувчи ҳарбий раҳбар топшириғи бўйича амалий ҳаракатлар (услуг нормативлар) бажариб, таълим дастури бўйича назарий саволарга жавоб беради. Назорат машғулотлари ўқувчилар билан усул ва ҳаракатларнинг бажарилишини таъминлайдиган, олдиндан тайёрланган ва жиҳозланган ўқув жойлари, майдонча ва шаҳарларда олиб борилади.

Дастур бўлимлари бўйича қўйилган аниқ саволга оғзаки жавоб қуйидагича бўлиши керак: назарий материалларни баён этиш ёки ёзув тахтасида масалани ечиш, қурол техника ва асбоблар тузилишини кўрсатиш орқали гапириб бериш. Бошида бутун взвод назорат саволи қўйиш, кейин эса ўқувчиларни жавоб учун чиқариш тавсия этилади. Оғзаки жавоб беришда жавобнинг тўғрилиги, тўла ва кетма-кетлиги, низом ва махсус атамаларни ишлатиш, мустақил фикр юритиш, олинган билимларни амалий қўллаш аҳамиятини тушунтириш ҳисобга олинади.

Усул ва ҳаракатларни амалий бажариш ўқувчилар билим ва кўникмаларини текшириш асосий усули ва ўқувчиларга баҳо қўйиш асосий мезони ҳисобланади.

Усул ва ҳаракатни бажариш учун топшириқ беришда ҳарбий раҳбар ўқувчига нимани бажариш кераклигини тушуниб олиш ва ҳаракатларга тайёрланиш учун вақт беради. Ўқувчи тайёр бўлганидан сўнг ҳарбий раҳбар бажаришга буйруқ беради.

Ҳаракатлар бажариб бўлинганидан сунг ўқувчига баҳо қўйилади. Бунда усул (ҳаракатнинг) тўғри бажарилганлиги, бажариш тартибига риоя қилиниши ҳамда назарий билимлардан амалий фойдаланиш маҳорати ҳисобга олинади.

Назорат машғулотларини ўтказиш чақириққача тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этишнинг масъулиятли даври ҳисобланади. Ўқув юртларида назорат машғулотлари дастурнинг биринчи бўлими, Қуролли Кучлар низоми, фуқаро муҳофаази ва тиббий санитар тайёргарлик бўйича ўтказилади.

Тактик ўт очиш, саф тортиш ва жисмоний тайёргарлик бўйича назорат машғулотлари дала-ўқув йиғинларида фақатгина йигитлар билан, ҳарбий-спорт соғломлаштириш лагерларида туман (шаҳар) ижроя қўмитаси комиссия раҳбарлигида ўтказилади. Назорат машғулотларида йигитлар қуйидаги нормативларни бажаради: машқ, усул, ҳаракатлар.

Тактик тайёргарлик бўйича: нишонлар топиш, уларнинг жойларини аниқлаш, маҳаллий шароитни кузатиш ва (доклад) ахборот (қурилиш) бериш, ўқ отиш жойини танлаш, окоп қозиш, жанг майдонида югуриб ва судралиб, эмаклаб ҳаракатланиш, нишонга, танкка қарши қўл гранатасини улоқтириш. Иккинчи машқ ўқ очиш бўйича тайёргарлик – ётиб ўқ узиш ва қуролнинг ўқини чиқариб ташлаш бўйича тайёргарлик нормативи, фаната улоқтириш биринчи машқи, ундан ташқари ўқувчилар автомат ва қўл гранаталари тузилишини билиши текширилади.

Сафда юриш бўйича тайёргарлик - ўқувчилар қуйидаги сафда юриш усуллари бўйича текширувдан ўтадилар ва баҳоланадилар:

- қад ростлаб туриш;
- жойида ва ҳаракатда бурилиш;
- сафда қадам ташлаш;
- бош кийимда ҳаракатда ҳарбийча саломлашиш;
- бошлиқ олдиға келиш ва унинг олдидан кетиш;
- сафға туриш.

Текширишни ўқувчининг ташқи кўринишини кўздан кечиришдан бошлаш керак. Сафда туришни раҳбар буйруғидан кейин ўқувчининг сафдан чиқишига қараб баҳоланади.

Ҳар бир сафда ҳаракатланиш усуллари бир-икки маротаба такрорланади. Усулларни бажариш техникаси қуйидагича баҳолади: 5 (аъло), агарда усул сафда юриш низоми талабларига биноан тўғри бажарилган ҳолда, 4 (яхши), агарда услуб сафда юриш низоми талабларига биноан тўғри бажарилиб, аммо бир марта бўлса ҳам хатога йўл қўйилса, 3 (қониқарли), агарда услуб сафда юриш низоми талабларига биноан тўғри бажарилиб, иккита хатога йўл қўйилса, 2 (қониқарсиз), агарда услуб нотўғри бажарилиб ёки учта ва ундан кўп хато қилинса.

Ҳаракатларни бажаришда одатий хатоларга кўпроқ эътибор бериш керак:

Сафда тик туриш – оёқ учлари тўғри турмаган ва томон кенглиги эмас, кўпроқ кўтарилмаган ёки қорин чиқиб турган, қўл кафти орқа томонга қараб туриши, гавда олдинга чиқмаган, жойида бурилишлар: бурилишда қўллар гавдадан узилган, бурилиш бутун гавда билан бажарилмайди, оёқ учлари бурилгандан кейин жуда кенг қўйилиб, бир чизикда эмас, сафда тик туриш бажарилмайди, бош олдинга оғган. Ҳаракатда бурилиш – айланиб бурилиш пайтида ўнг оёқ чап томонга чиқмай қолади ва жуда кенг қадам қўйилади: бурилиш пайтида гавда мувозанати йўқ, бош пастга тушган, бурилиш 90 градус ёки 180 градус бажарилмаган, оёқ ва қўл ҳаракатларида боғлиқлик йўқ.

Сафда қадам ташлаш – гавда олдинга чиқмаган, оёқ тиззалари эгилади, оёқни кўтариш 15 см дан паст, қадам узунлиги ва сурати сақланмайди, қўл ҳаракатлари, белгиланган баландликка кўтарилмайди, қўл ва оёқ ҳаракатларида боғлиқлик йўқ. Ҳаракатда ҳарбийча саломлашиш – саломлашиш 5-6 қадамга бормаган. Оёқни ерга қўйиш билан бошлиққа қараши бир вақтда бажарилмаган, қўлни бош кийимга қўйиш билан чап қўл ҳаракати тўхталиши бир вақтда эмас, ўнг қўл тирсаги елка чизигида эмас.

Бошлиқ олдига келиш ва унинг олдидан кетиш: - қўлни бош кийимга қўйиш билан оёқ қўйиш бир вақтда эмас, бошлиқ олдига келиш 2-3 қадамдан кўпроқ ёки камроқ бажарилган, ўрта бармоқ бош кийим пастки қисмига тегиб турмайди, бошлиқ олдидан кетишда қўлни бош кийимдан пастга туширишда чап оёқни қўйиши билан бир вақтда бажарилмайди ва вақтидан илгари юриш қадамига ўтилади.

Ўқувчиларнинг сафда юришлари уларнинг олти услубни бажаришларининг ҳар бири учун олган баҳоларини қўшиб, индивидуал баҳо қўйилади ва ҳар бир хизматга тайёргарлик бўйича машғулотлар кийим формаси талабини бажариш ҳисобига олиниб белгиланади: «5» (аъло), агарда бажарилган услублари 50% «аъло» баҳога бажарилса, қолганлари эса «4» (яхши), агарда 50% дан кам бўлмаган услублар «аъло» ва «яхши» бажарилиб қолганлари эса «қониқарлидан» паст бўлмаса, «3» қониқарли, агарда бирор услубдан «қониқарсиз» баҳо олинган бўлса, «2» қониқарсиз, икки ва ундан кўп қониқарсиз баҳо олган бўлса.

Агарда ўқувчининг кийим формаси ЎЧТ машғулотлари учун директор буйруғи бўйича белгиланган кийимга мос келмаса ёки ўқувчи машғулотга дазмолланмаган, тартибсиз кийинишда келса, унда баҳо 1 балга пасайтирилади. Жисмоний тайёргарлик бўйича – устунда кўтарилиш, тўсиқлар оша югуриш, 3 минг метрга югуриш, 50 метрга сузиш, (100 метрга) югуриш.

Фуқаро муҳофаази бўйича – нафас олиш йўллари ва баданни ҳимоя қилиш, индивидуал ҳимоя воситаларини кийиш бўйича нормативи, зарарланган ҳавода носоз противогаздан фойдаланиш.

Текшириш саволларига жавоб беришда – жавоб тўғрилиги, тўла ва кетма-кетлиги, низом ва махсус атамаларни ишлатиш тўғрилиги, мустақил фикрлаш ва ҳулоса, олган билимларини амалий қўллаш ҳисобга олинади. Жавоб қисқа, аниқ ва тушунарли бўлиши керак ва қуйидагича баҳоланиши мумкин:

«5» (аъло) - агарда ўқувчи тўғри ва тўлиқ жавоб берган бўлса (асосий ва қўшимча саволларига), низом талабларини (тушунчаларини) аниқ ифода этиб берса, уларни мисоллар билан тасдиқлаб берса, зарур бўлганида жавобини машқ бажариб ва масалани ечиб берган бўлса, қурол-яроқ, ҳарбий мулкларни тузатишини гапириб беришда кетма-кетликка риоя қилиб ва ҳавфсизлик чораларини тўлиқ бажарган бўлса.

«4» (яхши) – агарда ўқувчи қўйилган саволга тўғри ва тўла жавоб бериб, бироқ, биров аниқ ифода этолмаган бўлса. Низом асосий талаблари (тушунчалар) дадил, ҳодисалар, жавоб беришда қийинчилик билан айтганларини мисоллар билан тасдиқлаб берса. Қурол, асбоб, ҳарбий мулк тузилишларини қийналиб тушунтириб берса, бундан ташқари хатога йўл қўйса.

«3» (қониқарли) – агарда ўқувчи саволга тўғри жавоб бериб, жавобнинг тўлалигига қўшимча саволлар ёрдамида эришилса, аниқ тушуниб ва ишончсизлик билан жавоб берса, жавобни амалий мисоллар билан тасдиқлаб берса, қурол, асбоб, ҳарбий мулк тузилишини гапириб беришда кетма-кетликни бузган бўлса.

«2» (қониқарсиз) – агарда ўқувчи қўйилган саволга нотўғри жавоб бериб ёки низом талабларини, хатто ёрдамчи саволлар ёрдамида ифода этиб беролмаса, қурол-асбоб ва ҳарбий – техник мулклар тузилишини тушунтириб беролмаса.

Йигитларни индивидуал баҳолаш текшириш машғулотларида кўрсатилган бўлимлар бўйича ҳар бир норматив (услуб, машқни) бажаришдаги олган баҳоларидан келиб чиқилади ва аниқланади:

«аъло» - агарда текширилган нормативлардан (услуб, машқлар) 50% дан кўпи «5»га бажарилиб, қолганлари – яхши баҳоланган бўлса.

«яхши» агарда текширилган нормативлардан (услуб, машқлар) 50% дан кўпроғи «5» ва «4» га бажарилиб, қолганлари «қониқарлидан» паст бўлмаса.

«қониқарли» - агар битта нормативдан (услуб, машқ) «қониқарсиз» баҳо олган бўлса.

«қониқарсиз» - бир ёки ундан кўп қониқарсиз баҳо олган бўлса.

«Умумий баҳр» ўқув дала йиғинларига шундай усулда қўйилади.

«Аъло» агарда – тактик ва ўқ отиш тайёргарлиги бўйича баҳоси «5» бўлиб, сафда юриш баҳоси «4» дан бўлмай, намунали, яхши ёки қониқарли ҳулки бўлса.

«яхши» - агарда тактик ва ўқ отиш тайёргарлиги «4» дан паст бўлмай, сафда юриш баҳоси «3» дан паст бўлмай, намунали, ёки қониқарли ҳулки бўлса.

«қониқарли» - агарда ўқув дастури бир бўлимдан тактик тайёргарликдан ташқари, «қониқарсиз» баҳо олиб ҳулки намунали, яхши ёки қониқарли бўлса.

«қониқарсиз» - агарда ўқув дастурининг икки ёки ундан кўп бўлимидан «қониқарсиз» баҳо олиб, ҳулки намунали, яхши ёки қониқарли бўлса ёки баҳолари яхши бўлиб ҳулки эса қониқарли бўлса.

Йигитлар текширув машғулотларида баҳолари қайдномаси комиссия аъзолари ва раиси имзоси, маҳаллий халқ депутатлари ижроия қўмитаси муҳри билан тасдиқланиб, халқ таълими бўлими орқали ўқув юрти директориға юборилади. Ўқувчилар умумий баҳоси синф журналиға ўқув-дала йиғинлари учун иловаси билан қўйилади.

Машғулот таҳлили – 5 дақиқа

- машғулотнинг мавзу ва мақсадини эслатиб ўтиш;
- машғулотни ўзлаштирганлик даражасини кўриб чиқиш, ўқувчиларнинг машғулотдаги фаоллигига эътибор бериш;
- назорат саволларида камчиликларға йўл қўйилганини кўриб чиқиш;
- баҳоларни эълон қилиш;
- взводға семинар режасини бериш;
- маърузачиларни белгилаш;
- талабалар саволларига жавоб бериш;
- взвод келгуси машғулотларға йўналтириш.

2-мавзу

ЧЁТ мақсад ва вазифаларини амалға ошириш усуллари

1. Режалаштириш мақсад ва вазифалари.

2. Ўқув жараёнини ташкил қилиш бўйича ҳарбий раҳбар томонидан ишлаб чиқилидиган асосий ҳужжатлар, уларнинг вазифаси ва мазмуни.

3. Якуний қисм.

Мазкур машғулотларни ҳарбий раҳбар томонидан ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар вариантлари ёрдамида слайдлардан фойдаланилган ҳолда гапириб бериш услубини ўтказиш тавсиф қилинади.

Слайдаарни кўрсатиш айтиб бериш билан бирға олиб борилиши керак. Мавзунини ўрганишда катта эътиборни ҳарбий раҳбар томонидан ишлаб чиқиладиган асосий ҳужжатларни ўрганишға қаратиш керак.

Чақириқғача тайёргарлик ёшларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига хизматға тайёрлаш, ватан ҳимоячиларини тайёрлаш тизимининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Халқ таълими органларида мактаблар таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар таълим қондаларини эгаллаб олиши учун чақириқғача тайёргарлик ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбиянинг юқори савиясини таъминлаши керак. Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ЎзР Конституцияси, ҳукумат қарори, Ватанни ҳимоя қилиш учун ҳарбий иш асослари бўйича

керакли билим ва амалий кўникмаларга эга бўлди, Қуролли Кучлар сафига чақириладиган ўсмирлар эса қисқа вақт ичида замонавий қурол ва жанговар техникани эгаллай олар эди.

Чақирикқача тайёргарлик сифати, унинг тарбиявий аҳамияти, ҳарбий раҳбар ҳарбий даражаси ва педагогик малакаси, услубий маҳоратининг ғоявий-сиёсий етуқлигига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Бу вазифаларни бажариш тайёргарликнинг етук тизими ва услубиёти, таълим самарали воситалари, илмий асосда яхши ташкил қилинган раҳбарлик, ўсмирларнинг чақирикқача тайёргарлиги борлигида фақат амалга ошади.

Чақирикқача тайёргарлик бўйича ўқув жараён ЎЧТ Дастури, ЎЗР Халқ таълими ва Мудофаа вазирликлари буйруқлари, меъёрий ҳужжатлари ва ўқув-услубий тавсияларига кўра ҳарбий раҳбар томонидан режалаштирилади ва ташкил қилинади.

Бу дастурларда ҳарбий таълим фанлари аниқланади, фанлар (бўлимлар) бўйича вақт тақсимланади, машғулот турлари, ўқув топшириқлар, адабиётлар ва ҳ. кўрсатилади.

ЎЧТ Дастурининг бош вазифаси ўқувчилар таълим вақтида эгаллаши керак бўлган билим, кўникма, қобилият, маънавий-сиёсий ва касбий-жанговар хислатлар керакли ҳажмини аниқлашдир.

ЎЧТ бўйича ўқув-тарбиявий жараёни режалаштиришга бўлган умумий талаблар умумтаълим цикли барча фанларига бўлган талаблардек, улар дидактиканинг (грек сўзидан «дидаско» таълим бераман деган) асосий принциплари билан аниқланади.

Мафкурамизга кўра, дидактика ўқувчилар таълимини мураккаб ижтимоий-педагогик жараён сифатида кўриб чиқади. Жараёнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

- умумтаълим (ўқувчиларни билим, кўникма, қобилиятлар билан қуроллантириш);
- тарбиявий (бўлажак Ватан ҳимоячисига керак бўлган шахс хислатлари ва ҳарбий жамоа хислатларини ўқувчиларда шакллантириш);
- ривожлантирувчи (юзага келадиган масалаларни ечишда ижодий ёндашиш қобилиятини ўқувчиларда шакллантириш);
- психологик тайёргарлик (замонавий жангда муваффақиятли ҳаракатларга психологик тайёргарликни ўқувчиларда шакллантириш).

Бу вазифаларни чекланган бирлигида амалга ошириш ўқувчиларни тайёрлашга ҳар томонлама ёндашиш учун муҳим омил ҳисобланади.

Педагогик маънода таълим жараёни ўқитиш деб номланган таълим олувчиларга (қўл остидагилар) дарс бериш номини олган таълим берувчининг (ҳарбий раҳбар) мақсадли, ўзаро боғланган фаолиятидан таркиб топган. Бу жараёндаги асосий ўрин таълим берувчига (ҳарбий раҳбар) тегишли.

Унинг асосий-педагогик вазифалари қуйидагилар:

1. Мактабларда ўқув жараёнини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш;
2. Бир тизимда ўқув материални бериш ва қуролланиш ва техника билан ишлашнинг энг мақсадга мувофиқ усуллари кўрсатиш;
3. Ўқувчиларда таълимга ва таълимнинг бошқа ижобий томонларига қизиқишни ривожлантириш;
4. Таълим олувчиларда мустақил равишда билим, кўникма, қобилиятларни эгаллаш, қобилиятини шакллантириш ва ўз маҳоратини такомиллаштириш;
5. Ўқувчилар тайёргарлигини текшириш, билим, кўникма, қобилиятлари ва касбий хислатларини баҳолаш.

Шу билан бирга ЎЧТ бўйича ўқув жараёнини режалаштиришни ташкил қилиш ўз хусусиятларига эга. Бу аввалом бор ЎЧТ курси ўз ичига 8 та мустақил фанларни олади:

1. Амалий жисмоний тайергарлик.
2. Ўқ отиш тайёргарлиги.
3. Фуқаролик мудофааси.
4. Ҳарбий таълим асослари.
5. Ҳарбий хизмат асослари.
6. Тиббий-санитария тайёргарлиги.

7. Кириш мавзуси.

8. Назорат машғулоти.

Булардан ҳар бири мактаб тизими бирлигида, мантикий ва услубий тартибда пухта ўйлаб чиқилган режалаштиришни талаб қилади.

Бундан ташқари, чақириқча тайёргарлиги ФМ бўйича машғулотлар ўсмир йигит-қизлар билан биргаликда, тиббий-санитария тайёргарлик эса алоҳида режалаштирилади ва ўтказилади. Ўрта махсус ва касбий-техник ўқув юртларида 8 киздан (ўсмир) кам бўлмаган ўқув гуруҳлари усмирлар (қизлар) учун дастурлар бўйича тўлиқ таркибда шуғулланади.

Синфдан ташқари вақтда ҳар ҳафта ҳарбий-спорт машғулотларини ўтказиш, ойда бир марта ҳарбий-ўқув ва ҳарбий-ватанпарварлик фильмларини кўрсатиш ҳамда тўғаракларда ва факультатив курс бўйича машғулотлар ўтказиш режалаштирилади.

Шундай қилиб, ЎЧТ режалаштириш дастурни тўла ва сифатли бажарилиши, барча бўлимларини ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, керакли мавзулар билан бошқа таълим фанларини биргаликда ўрганишни таъминлаши керак.

Ўқув режасини тузишда мактаб иши маҳаллий шароитлари ҳамда ўқув-моддий базасига эътибор бериш керак. Маҳаллий ҳарбий комиссариатлар розилигига кўра баъзи бир ҳолларда мактаб директориға маҳаллий шароитларға боғлиқ ҳолда дастур баъзи бир мавзуларни ўрганиш тартибига ўзгартиришлар киритишға рухсат берилади. Лекин бунда уларға ажратилган машғулот мазмуни ва вақтни қисқартиришға йўл қўйилмайди. Мактаб директори ўқув жараёнини ташкил қилишда аниқлайди: ҳар бир мутахассислик бўйича гуруҳлар учун таълим боши ва охири, автоматдан жанговар патронлардан ўқ отиш бўйича бошланғич машқларни бажаришға ўқувчилар тайёргарлиги муддати ва ҳарбий-спорт байрамларини ўтказиш, ЎЧТ таълими бошиға бағишланган буйруқлар мазмуни. Бу режалаштириладиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳақида ҳарбий раҳбарға кўрсатмалар беради.

Директор раҳбарлиги остида ҳарбий раҳбар ЎЧТ бўйича ҳафталик режа, таълим бошланиши, взвод ва бўлимлар сардорларини тайинлаш ҳақида буйруқ лойиҳалари ҳамда ЎЧТ бўйича ҳарбий-ватанпарварлик ва синфдан ташқари иш ва ўқув-моддий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

ЎЧТ бўйича дастурни ўтиш ҳафталик режа бутун ўқув йили, 10-11-синфлар учун алоҳида ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга ҳар бир ойға машғулотлар жадвалини тузиш тавсия этилади, бунда машғулотлар мазмуни, вақти ва уларни ўтказиш жойи, шунингдек, ЎЧТ бўйича синфдан ташқари ишлаш тадбирларини кўрсатиш керак.

Ўқув жараёнини ташкил қилиш учун ўқув режасидан ташқари ҳарбий раҳбар қуйидаги асосий ҳужжатларни ишлаб чиқади:

1. «Мактабда чақириқча тайёргарликни киритиш ҳақида» мактаб бўйича буйруқ.

2. «Мактабда УЧТ, жисмоний маданият ва тиббий-санитария тайёргарлиги бўйича услубий комиссия тузиш ва ишини ташкил қилиш ҳақида» мактаб бўйича буйруқ.

Буйруқда ҳарбий раҳбар, жисмоний тарбия ва тиббий-санитария тайёргарлиги ўқитувчиси педагогик жамоасининг бўлажак жангчилар таълим-тарбияси борасидаги вазифалари баён этилади, ташкилийлик ва тартибға риоя қилиш масалаларида ўқувчиларға қўйилган талаблар, ЎЧТ бўйича услубий комиссия таркиби ва ишлаши тартиби, ЎЧТ бўйича синфдан ташқари ишлашнинг асосий тадбирларини ўтказиш муддати ва тартиби аниқланади.

«Взвод ва бўлинмалар командирларини сайлаш ҳақида»ги мактаб бўйича буйруқ.

Взвод ва бўлинмалар командирларини сайлаш ҳақидаги директор буйруғида взводлар тартиб санаси аниқланади, командирлар белгиланади, ҳар бир таҳсил олувчининг сафда ва ҳарбий хонадаги жойи учун ҳарбий раҳбар билан саф ҳисобини олиб боришға талаблар санаб берилади, ўқувчилар томонидан ҳарбий одоб қоидалари бажарилиши ва белгиланган кийим формасига риоя қилиниши мажбурлиги таъкидланади.

Бундан ташқари, интизомни ушлаб туриш, ЎМБ ва б. такомкллаштириш бўйича взвод ва бўлинмалар командирлари вазифалари аниқланиб олинади.

ЎЧТ жисмоний маданияти, тиббий-санитария тайёргарлиги бўйича услубий комиссия иши ўқув йили режаси.

Мактаб ҳарбий раҳбарининг ўқув йилига мўлжалланган иши шахсий режаси.

ЎЧТ, ҳарбий-ватанпарварлик тарбия, оммавий муҳофаа иш ва ўқув-моддий базани такомиллаштириш бўйича мактаб йиллик режаси бўлимига ҳарбий раҳбарнинг киритган таклифлари

ХВТ ишини ташкил қилиш, ЎЧТ ўқув моддий базасини такомиллаштириш бўйича ўқув юрти йиллик режаси учун таклифлар белгиланганда ҳарбий раҳбар барча бу ишларда бутун педагогик жамоа ҳамда оталиққа олганлар ва ўқувчилар иштирок этишини унутмаслиги керак.

«Шунқорлар» ҳарбий-спорт ўйини командалари билан кўрсатма машғулотларини ўтказиш режаси.

«....-сонли кичик калибрли милтиқдан ўқ отишни ўтказиш ҳақида»ги мактаб бўйича буйруқ.

Ўқ отишларни ўтказиш, кичик калибрли милтиқдан отиш тайёрлов машқларини бажариш борасида директор ҳарбий раҳбар алоҳида ишни олиб бориши керак, фақат бунга ҳарбий раҳбар баҳоси бўйича тайёр бўлган ўқувчиларни жалб этиш тавсия этилади, қолган ўқувчилар эса, тажриба кўрсатишича, улар катта қисмни ташкил этади, тайёргарлигига кўра дарсдан ташқари вақтда машқлар бажариши керак.

«11-синф ўқувчилари билан дала машғулотларини ўтказиш ҳақида»ги мактаб бўйича буйруқ.

Бошланишидан бир ой олдин чиқариш тавсия этиладиган дала машғулотларини ўтказиш ҳақидаги буйруқда машғулотларни ўтказиш, тантанали сафга тортиш ва жўнаш вақти, ўқувчилар ва рота, взвод, командирлари, ёрдамчилари исм-шарифи, машғулотларни ўтказиш ва ўқувчиларни олиб кетиш тартиби, хавфсизлик чораларини кўрсатиб ўтиш керак.

11-синф ўсмирлари билан муҳофаа-спорт лагери базасида йиғиш орқали дала машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш тадбирлари режаси.

Дала машғулотлари катта эътибор ва ғамхўрликни талаб этади. Уларни туманлар ёки ўқув юртларида ташкил қилинадиган муҳофаа-спорт лагерларида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ижроия қўмита, халқ депутатлари Кенгаши, шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари қарорлари асосида директор билан тасдиқланадиган дала машғулотларини ўтказиш тайёргарлиги бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Агар дала машғулотлари ҳарбий қисм базасида ўтказилса, режа унинг командири билан келишилади.

Режа ўқув юрти директори, ўринбосарлари, синф раҳбарлари, ишлаб чиқариш таълим усталари, ҳарбий раҳбар, жисмоний маданият (жисмоний тарбия) ўқитувчилари ва бошқа шахслар билан бажариладиган аниқ тадбирларни ўз ичига олади, бажариш муддатини аниқлайди.

Ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларини жалб этиш, машғулотлар раҳбарларини захирадаги зобитлар сонидан белгилаш ва улар билан услубий машғулотларни ўтказиш каби масалаларини ҳал этиш ТХК билан биргаликда амалга оширилади.

«ЎЧТ бўйича ўқув йили натижалари ҳақида»ги мактаб бўйича буйруқ. Буйруқ асосини ЎЧТни яқунлаш ҳақидаги педагогик кенгаш материаллари ташкил қилади. Бунда дастурни бажариш баҳоси берилади, хулосалар қилинади, педагогик жамоа ва ўқувчиларга янги ўқув йилига тайёргарлик бўйича аниқ вазифалар қўйилади.

«ЎЧТ бўйича ўқув йили якунига бағишланган ҳарбий-спорт байрамини тайёрлаш ва ўтказиш ҳақида»ги мактаб бўйича буйруқ, ўтказишгача 2-3 ой олдин ишлаб чиқилади.

ЎЧТ бўйича ўқув йили якунига бағишланган ҳарбий-спорт байрамини ўтказиш режаси, ўтказишгача 1 ой олдин ўқув юрти директори билан тасдиқланади.

ЎЧТ ва ҳарбий-ватанпарварлик иши ҳолати ҳақидаги ўқув йили учун ҳисоботи.

Ҳар бир машғулоти ўтказиш учун ўқув юрти директори билан тасдиқланадиган дарс режаси тузилади.

Дарс режасида мавзу, ўқув-тарбиявий мақсадлар, вақти, умумтаълим фанлар билан ўрганиладиган масалалар боғлиқлиги моддий таъминот ва машғулоти бориши кўрсатилади. Зарурият бўлса, унда ўқув материали, ўрганиладиган масалалар қисқа мазмуни баён этилади.

Режани директорга (машғулотларни ўтказишгача 7 кун олдин) бирма-бир ўрганиш ва ҳарбий раҳбарга амалий ёрдам кўрсатиш учун кўриб чиқишга бериш тавсия этилади.

Машғулотлар тайёргарлигини таъминлаш ва ўтказишда директорнинг ўрни катта. Айтиб ўтиш керакки, кўпгина директорлар ҳар бир машғулоти тайёрлашда ҳарбий раҳбарларга амалий ёрдам кўрсатади. Бироқ, афсуски, ҳарбий раҳбарга услубий ёрдам кўрсатишдан умуман четда турадиган директорлар ҳам бор. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Шундай қилиб, ЎЧТни режалаштириш бошқарув ҳужжатлари талабларига мувофиқ, туман, шаҳар, вилоят, республика ўқув юртлари етакчи тажрибаси, тавсияномаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак, шунингдек у керакли мавзуларни таълимнинг бошқа фанлари билан боғлаган ҳолда тўла ва сифатли ўрганиш, бажаришни таъминлаши керак.

Иккинчи саволни эълон қилиб, ўқитувчи чақириқча тайёргарлик – ўсиб келаётган авлод тарбияси таркибий қисми эканлигини айтади. У ўқувчида юқори ғоявий-сиёсий ва ахлоқий хислатларни шакллантириш, ўзини тутиш, Қуrolли Кучлар сафида хизматни бенуксон ўташга керакли жисмоний ва амалий тайёргарлик нормаларини ишлаб чиқиш, Ватан ва бошқа давлатлар ҳамдўстлигини ҳимоя қилиш муқаддас бурчини бажариш мақсадида онг, ирода, психика ва жисмоний ривожланишга педагогик таъсир кўрсатиш ташкилий, мақсадга йўналтирилган ва узлуксиз жараёни ўзида мужассам этади. Ватанни ҳимоя қилишга ёшларни ҳар тарафлама тайёрлашни фақат чақириқча тайёргарлик билан чеклаб бўлмайди. Бу мактаб бутун педагогик жамоасининг масъулиятли давлат ишидир. Ўқувчиларни Ватанни ҳимоя қилишга ғоявий-сиёсий, маънавий-психологик ҳамда жисмоний тайёрлаш мактабнинг бутун ўқув-тарбиявий иши тизими ва аввалам бор ўқув жараёнида амалга оширилади. Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўрганиладиган материал билан узвий бирликда халқаро ва давлат ички сиёсати, Қуrolли Кучлар жанговар қудрати ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш масалаларини моҳирона ва тушунарли қилиб тушунтириши, уларнинг тарихий аҳамиятини кўрсатиши, Армия, ҳарбий иш ва ҳарбий касбга муҳаббат уйғотиш, бўлажак Ватан ҳимоячисига керакли маънавий-психологик ва жанговар хислатлар, империализмга бўлган синфий нафратни шакллантириш, керак бўлган жойда ҳарбий билимлар белгиларини айтиб ўтиши керак.

Умумтаълим фанлар бўйича дарслар тизими дарсдан ташқари ўқув-тарбиявий иш билан узвий боғлиқликда ўқувчиларда дунёқарашни шакллантиради, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилиш ва баҳолашга синфий ёндашишни ишлаб чиқади, ўз Ватанига чуқур ва онгли муҳаббат мустақкам пойдевори, уни тажавузкор кучлардан ишончли ҳимоя қилишга доимий тайёргарликни ўрнатади. Ҳарбий тайёргарликнинг ўқув юрти ўқув-тарбиявий жараёни билан ўзаро боғлиқлиги нимада?

Аввалом бор бу ўқувчиларда бўлажак Ватан ҳимоячиси учун муҳим бўлган маънавий-сиёсий хислатларни шакллантириш асоси бўлган ўқув юрти бутун тарбия тизими билан бўлган боғлиқлик. Бу ерда ҳал қилувчи вазифа ўқувчиларни ижтимоий ривожланиш қонунлари билими билан қуrolлантирадиган, Ватанимиз душманларига нафратни тарбиялайдиган тарих, жамиятшунослик, адабиёт дарсларига ажратилади.

Ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлашдаги асосий вазифани жисмоний маданият дарслари бажаради. Ўқувчиларни нормаларни топширишга тайёрлаш учун бир қатор

мактабларда ҳарбий раҳбар ва жисмоний маданият ўқитувчилари кирадиган умумий услубий комиссиялар тузилган. Бундай мақсадга мувофиқ иш туфайли юқори синф ўқувчилари ҳарбий-амалий спорт турларида юқори натижаларга эришмоқда. Айниқса, юқори синф ўқувчилари ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси учун ЎЧТ бўйича билимлар катта имкониятларга эга. ЎЧТ машғулоти боришида ўқувчиларда Армия ва енгил бўлмаган ҳарбий меҳнатга чуқур ҳурмат тарбиялаш, қурол ва замонавий техникани эгаллаш учун асос бўлиб хизмат қиладиган бошланғич ҳарбий билимлар, амалий қобилият ва кўникмалар дунёқарабини амалга оширади. Ўқув дастурининг кўпгина мавзулари ўқувчиларга Ватанни душманлардан қуролли ҳимоя қилишда МДХ халқлари қаҳрамонлиги ва фидокорлиги манбаларини тушунтириб бериш, уларда катта авлодлар жасоратига фахр ва уларни қўллаб-қувватлашга интилишни тарбиялашга ҳарбий раҳбарга имкон беради.

Фанлараро боғлиқлик – ҳарбий-ватанпарварлик тарбия ва бошланғич ҳарбий тайёргарликни такомиллаштириш учун заҳира яратади. Бу кўпгина мактабларнинг педагогик жамоалари тажрибаси билан тасдиқланади.

Мавзу номи ва тартиб рақами	Машғулот тартиб рақами, соатлар сони, ўқув саволлар	Ўқув ва тарбиявий мақсадлар	Ўтказиш услуби ва шакллари	Моддий таъминот	Уйга вазифа
1-мавзу. Калашников автомати қисмлари	1-машғулот– 1с. Автомат вазифаси, жанговор хусусиятлари, умумий тузилиши ва ишлаш принципи. Автомат но-тўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш тартиби. Автомат ва ўқлар-ни ишлатишда хавфсизлик чора-лари.	Ўқувчилар билан автомат вазифаси умумий тузилиши ва ишлаш принципини ўрганиш. Автоматни но-тўлиқ қисмларга ажратиш ва йиғиш тартибини ўрганиш ва улар-ни бажаришни машқ қилиш. Ўқувчиларда ўз қуроли устунли-гига ишончни тарбиялаш.	Амалий, гапириб бериш, кўрсатиш, машқ қилиш.	ПК-74-3. Ҳақиқий қисм ва механизм-лари макети, плакатлар, ёзув тахтаси, бўр, кўрсат-кич.	БХТ дарслиги, 3-боб, 1- параг-раф, 3-10-бетлар. 48-49 расмларни чизиш.

Ҳарбий раҳбар

Шунга ўхшаш перспектив-тематик режалар ҳарбий раҳбар томонидан ЎЧТ дастури барча бўлимлари бўйича тузилади.

Ўқувчиларда Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлиши, интилиши нафақат ўқув жараёни, балки синфдан ташқари ишнинг турли шаклларида давом этиши жуда муҳим. Бунда ўқувчилар ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мазмуни, шакл ва услубларини такомиллаштиришга доимий эътибор бериш зарур: ёшларни ватанпарварлик, Ватан ва унинг Қуролли Кучларига чексиз садоқат ва муҳаббат руҳида, ҳарбий, бурчни бенуқсон бажаришга шай бўлишига, Улуғ Ватанни ҳимоя қилиш шахсий масъулиятига тарбиялаш ҳар бир мактаб ўқитувчисининг энг муҳим мажбуриятидир.

Дастурнинг баъзи бир мавзулари бўйича 2-3 соатлик машғулотлар бўлиши мумкин. Бу ҳолларда мактаб директори тақсимо-ти бўйича бошқа фанлар ҳисобига, кейинчалик уларни тўлдириш шарти билан 1-2 қўшимча соатлардан фойдаланилади.

Барча дарслар ғоявийлик билан сингдирилган ва юқори маънавий-сиёсий хислатларни тарбиялаш, уларни Ватанни ҳимоя қилиш бурчини адо этишга тайёрлаш, уларда қуролли Кучлар низомлари тапаблари ва ўқув мавзулари ҳажмига кўра ўзини тутиш ва ҳаракатлар кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

ЎЗР ҚҚ хизматига ёшларни тайёрлаш сифатига бўлган ошиб борадиган талаблар замонавий шароитда ўқув юртларида ўқув-тарбиявий жараёни узлуксиз такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Ўқув жараёни мазмуни, шакли ва услубларини асосли олдинга суриш учун, биринчидан, ҳарбий фан ва техника, тактик санъат йўналишлари ривожланиши ҳақида маълумотга эга бўлиш зарур. Ижтимоий-психологик ва педагогик фанлар ютуғига эришиш учун, иккинчидан, ўқув-тарбиявий жараёни илмий ташкил қилиш керак. Замонавий даврнинг ўзига хос хусусияти ҳарбий ишда илмий маълумотнинг таракқиётидир.

Ўқув жараёни мазмуни ва шакли ўртасидага зиддиятлар. Катта сузликка эга бўлган таълим шакл ва услублари ҳар доим ҳам мазмун ўзгаришига амал қилмайди. Масалан, керакли билим, қобилият ва кўникмалар ҳажми ва белгиланган муддатларда уларни ўзлаштириш имконияти ўртасида, ўқув фанлар илмий мазмуни ва таълим воситалари мажмуаси дарсликлар, қўлланмалар, кўргазмали қуроллар, тренажерлар, ТТВ ва б. ўртасида зиддиятлар юзага келади. Шунингдек амалиётда ўқувчилар ўқув ишининг жамоа ва индивидуал шакллари бирикмасида, ЎМБ асбоб-ускунасида унинг маънавий ва жисмоний ишдан чиқиши натижасида зиддиятлар кузатилади.

Ўқув жараёнига хос бўлган барча бу зиддиятлар унинг такомиллашуви ҳаракатлантирувчи кучидир. Бу зиддиятларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга илмий ёндашиш – ёшларни хизматга тайёрлаш сифатини оширишнинг бош йўли. Илмий маълумот ҳажмининг жадал ўсишида таълим жараёнида ўқувчига бериш зарур бўлган билим, қобилият ва кўникмалар ҳажмини асослаб аниқлаб бериш талаб қилинади. Ўқув жараёнининг маълумот кўплиги билан орттирилган якуний натижанинг пасайиши билан кузатилади: кўп нарса берилади, кам нарса ўзлаштирилади.

Демак, маълумотли таълимдан услубий таълимга ўтиш зарур. Бу ердан таълим фанининг асосий, йўналтирувчи қонуниятларига эга бўлган маълумотни танлаб олиш муҳимлиги аниқланади. Таълим муддатларининг сақлаб қолинишида ўсиб ёнига янада етук таълим усул ва воситаларини тадбиқ этишни талаб қилади.

Ҳарбий раҳбарнинг вазифаси фақат ўқувчиларга керакли билим миқдорини бериш, маълум бир амалий кўникмаларни сингдиришда эмас, балки ички ишонч ва тажавузкорлардан Ватанни ҳимоя қилиш шахсий масъулиятлик асосида ўз ҳарбий-қасбий билимларини такомиллаштиришга уларни ундашдадир. Бу мақсадда ўқувчилар билиш фаолиятини фаоллаштиришга асосланган янада илғор таълим усуллари хизмат қилиши керак, булар қуйидагилар:

«Таянч сигналларидан» фойдаланиш услубиёти. (В.Шаталов)

Билим ва амалий кўникмаларни режали (босқичма-босқич) ва бир вақтда шакллантириш услубиёти (П.Гальперин).

Программалаштирилган ва муаммоли таълим услублари (П.Гальперин, А.Леонтьев, Н.Гальцина, В.Никандров ва б.).

«Ҳикоя қилиш – кўрсатиш – машқ қилиш» схемаси бўйича амалий таълим анъанавий усуллари ўқувчиларни тайёрлаш юқори самарали услубиётлари асосидаги барча асосий психологик шарт-шароитлари бажарилишини таъминламайди».

Амалиёт кўрсатишича, ўқувчи тайёргарлиги сифатини, самрадорлигини оширишдан ташқари ўқув жараёнига янги услубларни татбиқ қилиш шунингдек, таълим олувчиларга янада чуқур тарбиявий таъсирни таъминлайди.

Ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштириш муҳим йўналиши – бу амалий фаолиятига ҳарбий таълим назарий қоидаларини максимал равишда яқинлаштиришдир.

Шунинг учун таълим жараёнида реал жанговор муҳитга тўғри келадиган шароитларни яратиш зарур.

Ўқув жараёни самарадорлиги таълим воситалари сифатига тўғридан-тўғри боғлиқ. Таълим воситаларига дарслик, ўқув қўлланма, босма-тарқатув материаллар, диапозитив, диафильм, киноматериал, магнит фонограмма, табиий кўргазма восита, плакат, тренажёрлар ва ҳ.к. лар кирилади. Булар бир қисми техник қурилмаларни татбиқ қилишни талаб қилади. Таълим илмий-асосланган воситаларини яратиш ўқув, юртида илмий-тадқиқот иш муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

ТТВ ни татбиқ қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш - ўқув юрти услубий кенгаши ишининг беш йўналишларидан бири.

Ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши таълим самарадорлиги йўналишлари ва услубиётини баҳолашни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштириш – мураккаб ва кўп қиррали жараён. У ўқув юрти бутун педагогик жамоаси катта ташкилий ва бажарувчи фаолияти, партия ва ёшлар ташкилотлари билан ишлашни талаб қилади.

3-мавзу

Ўқув масканларида чақириққача тайёргарлик моддий-техникавий базасининг айрим элементларини тайёрлаш жараёни

Моддий таъминот:

Ўқув юрти ЎМБси объектлари (ёки макети), ТОО: «Украина» киноқурилмаси 1 дона, ЛЭТИ-60м, диапроектор – 1 дона, магнитофон – 1 дона, телевизор – 1 дона, слайд, кинофильмлар комплекти.

Умумий ташкилий-услубий кўрсатмалар

Мазкур мавзу бўйича маълумоти ЎМБ объектларини макетда кўрсатиш билан ҳикоя қилиш услуби орқали ёки ТТВ ёрдамида тушунтиришлар билан синфда олиб бориш тавсия этилади. Ўқув юрти ЎМБ объектлари номини ёздириш, асбоб-ускуналарга бўлган талабларни мустақил ўрганиш тавсия этилади.

Ўқув тарбиявий мақсадлар:

Вақти – 2 с.

Жойи – синф

Услуби – маълумот (ҳикоя, кўрсатиш, тушунтириш).

Мақабларни – ҳарбий ўқув қурол, асбоб ва рўйхатдаги мулк билан таъминлаш тартиби. ЎҚТ бўйича ўқув кўргазмалар қўлланма ва адабиётлар.

Машғулоти бориши:

1. Кириш қисми – 5 дақиқа

Билдирги қабул қилиш, талабалар сони кўриниши ва машғулотига тайёргарликни текшириш.

Ўтилган мавзу бўйича назорат савол-жавобини ўтказиш:

1. ЎҚТни ривожлантириш мақсад ва вазифалари қандай?

2. Ҳарбий раҳбар қандай режалар ўтказиши санаб беринг?

3. Ҳарбий раҳбар мактаб бўйича қайси буйруқлар лойиҳасини тузишни санаб беринг.

4. ЎҚТ бўйича ўқув жараёни унумдорлигини оширишнинг қандай йўналишларини биласиз?

Машғулоти мавзу ва мақсадини, уларни ўрганиш тартибини тушунтириб бериш.

«Умумий ҳарбий мажбурият ҳақида»ги қонун билан киритилган ўсмирлар чақириқча тайёргарлиги ҳарбий таълим мажбурий давлат шакли ҳисобланади ва ЎЗР ҚҚ хизматига ёшларни тайёрлаш бутун тизимининг муҳим қисмини ташкил этади.

Чақириқча тайёргарлик самарадорлиги кўп ҳолда ўқув тарбиявий жараён қандай ташкил қилинганлиги ва амалга оширилганлигига боғлиқ. Унинг асосий таркибий қисмлари: илмий асосланган ўқув дастурлар, машғулотларнинг оптимал услубияти, керакли моддий база. Биринчи икки таркибий қисмлар аҳамиятини инкор этмаган ҳолда муболағасиз айтиш мумкин. Ҳарбий таълимда ҳал қилувчи ўринни ЎМБ эгаллайди. Бу биринчи навбатда чақириқча тайёргарлик курси хусусиятлари, унинг кўп соҳалилиги ва амалий йўналганлиги билан тушунтирилади. Масалан, ўқув намунага эга бўлмасдан қуролни ўрганиш мумкин эмас.

ЎЧТ дастурига кўра ҳар бир ўқув юртида қуйидаги ЎМБ умумий комплекси белгиларга эга бўлиши тавсия этилади:

1. Ҳарбий хона.
2. Қурол сақлаш хонаси.
3. Отиш, машқ қилиш учун мосланган бино.
4. Қуролни тозалаш ва мойлаш учун жой.
5. Сафдаги тайёргарлик бўйича машғулотлар учун майдонча.
6. Фуқаролик мудофаа синфи (жой мавжуд бўлса).
7. Жанговар ва меҳнат шуҳрати музеи ёки хонаси (бурчаги)
8. Гимнастика шаҳарчаси.
9. Тўсиқлар чизиғи.
10. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбия бўйича кўргазмали тарғибот воситалари.
11. Йиғиладиган ва олиб юриладиган асбоб-ускуна.

Ўқув даласи ва майдончаларда, шунингдек ўқув шаҳарчаси ҳудудида ўз навбатида ўқув жойлари яратилади. Ўқ отиш усул ва қоидаларини амалий ўрганиш учун мўлжалланган майдонда ўқувчилар машғулотларда қуйидагиларни ўзлаштириш учун жой жиҳозланади: турли ҳолатлардан ўқ отишга шайланиш, нишонга олиш бир хиллиги, ўқув қўл гранаталарини отиш, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш, унга магазинларни тайёрлаш. Сафдаги тайёргарлик бўйича майдонда ҳақиқий катталиқда юк автомобил ўғрачаси макети қурилади, унинг ёрдамида ўтириш, ўғрачада жойлашиш, автомобилдан тушиб қолишга ўргатилади. Бошланғич ҳарбий таълим ЎМБ комплексининг барча белгилари нафақат ўқув жараёнида, балки дарсдан ташқари иш соатларида татбиқ қилинади.

Ҳарбий хона

Мактаб ҳарбий хонаси қуйидаги мақсадда жиҳозланади:

- чақириқча тайёргарлик дастури барча бўлимларни (кўпроқ назарий) ўрганиш учун керакли ЎМБ ни яратиш;
- ўқувчиларни чақириқча тайёргарлик, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш бўйича ўқув машғулотлари ва синфдан ташқари тадбирларни ўтказиш;
- ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ва уларни ҳарбий касбларга йўналтириш мақсадида ҳарбий билимлар ва мудофаа-оммавий тадбирларни ўтказиш тарғиботи.

Ҳарбий хона қуйидаги асосий талабларига жавоб бериши керак:

- Машғулоти учун қулай, санитария-гигиена қоидаларини қониқтирадиган, асбоб, ўқув кўргазмали қўлланма ва ўқув мулкани сақлаш учун мўлжалланган лабораторияли хонага эга; ҳар доим дарсларни ўтиш ва дарсдан ташқари ишни олиб боришга тайёр бўлиш; дарс жараёнида нафақат ўқув, балки тарбиявий масалаларни ечишга ёрдам бериш;

– Таълимда максимал равишда кўргазмали қуроллар билан таъминлаш ва бир вақтда ўқувчилар томонидан мустақил вазифаларни бажарилиши учун шарт-шароитлар яратиш;

– Техник таълим воситаларини кенг қўламда татбиқ қилишга имконият яратиш;

Чақириққача тайёргарлик бўйича ўқув адабиёти, кўргазмали қуроллар ва мулкни рўйхатга кўра сақлаш;

– Четга чақириладиган материаллар кўриниши ва мазмунийлигини бадиий безалган интерьер билан бирга қўшиш.

Ҳарбий хона кенг ва ёруғ (54-80м²) бўлиши керак. Ҳарбий хона ўз ичига синф мебелли, ўқув-услубий ва лаборатория асбоб-ускуналари (агар жой етарли бўлса), ўқув қўлланмалар ва техник таълим воситаларини олади.

Синф мебелли қуйидагилардан иборат: горизонтал юзали ўқув столлар ва ўқув ўтиргичлар, ҳарбий раҳбар столи, намоиш столи, киноаппарат ва диапроектлар учун мосламалар, синф ёзув тахтаси, кўрсаткич. Четки столлар қатори девордан 50-60 см масофада бўлиши керак.

Ҳарбий хона, ўқув-услубий асбоб-ускуна асоси таълим дастурининг ҳар бир бўлимига тегишли стендлар (турниклар, айланма баробанлар) ҳисобланади. Улар қуйидаги тартибда жойланади:

1. ЎзР Қуролли Кучлари.
2. Тактик тайёргарлик.
3. Ўқ отиш тайёргарлиги.
4. ЎзР низомлари.
5. Сафдаги тайёргарлик.
6. Фуқаролик муҳофаази (махсус синф бўлмаса)
7. ПФП

«Сафдаги тайёргарлик» стенди машғулотлардан олдин ўқувчиларнинг сафга турадиган жойи, яъни дахлизда жойлаштирилиши мумкин. Ҳамма стендлар умуман мавзу ёки алоҳида ўқув саволлар бўйича ечма планшетлар билан жиҳозланади. Планшетлар дастур мавзуларини ўтишга кўра қилинади. Хонанинг ташқи томонида Президент портрети ва Ўз Р конституциясидан олинган маълумотларга эга плакатни ёзма тахта тепасига илиб қўйиш тавсия этилади.

Хонада ўқувчилар билан олиб бориладиган тактик машғулот жойи макети ёки ўқув ҳаритасидан олинган жой макетига эга кути ўрнатилади.

Бу жой макетида барча белгили взвод таянч пункти ва тактик «Взвод (бўлинма) хужумига» вазияти кўрсатилади.

Лабораторияда, лаборатория бўлмаса ҳарбий хонада ўқув асбоблари, симли алоқа воситалари, техник мулк, фуқаролик муҳофаа мулки, кўргазмали қуролларни сақлаш учун стеллаж ва витриналар жиҳозланади.

Бундай ташқари ҳарбий хона, экран ва ойналарни автоматик ёки ярим автоматик пардаланиш учун мослама билан ҳам жиҳозланади. Ҳарбий хона яқинидаги дахлизда машғулотлардан олдин взводни икки қатор қилиб сафга тортиш учун жой ажратилиши мумкин.

Қурол сақлаш хонаси

Хона ҳарбий ўқув қуроли, кичик калибрли милтиқлар ва уларнинг ўқ дориларини олиш, сақлаш ва ҳисобини юритишни ташкил қилиш йўриқномасига кўра жиҳозланади. У мактабга берилаган ҳарбий ўқув қуроли, кичик калибрли милтиқ ва уларнинг ўқ дорилари ҳамда ўқув қурол-аслаҳаларнинг бут сақланиши ва эҳтиёт қилинишини таъминлаш учун мўлжалланган.

ЎЧТ учун мўлжалланган индивидуал ҳимоя радиостанция воситалари, радиацион ва кимёвий қидирув асбоблари ва бошқа ўқув мулки лаборант ёки ҳарбий хоналарда (алоҳида) сақланиши керак.

Агар қуролни сақлаш хонаси қуролдан ташқари қурол аслаҳалар ва бошқа рўйхатдаги мулкни жойлаштирилса, унда у ички девор (темирли панжара) ҳамда эшик билан ажратилиши керак. Хонанинг яқин қисмида индивидуал ҳимоя, радиостанция воситалари, радиацион ва кимёвий кидирув асбоблари ва бошқа рўйхатдаги мулкни сақлаш мумкин. Ички девор орқасида (панжара) ҳарбий ўқув қуроли ўқув қурол-аслаҳалар, кичик калибрли милтиқлар ва уларнинг ўқ дорилари, пневматик қурол ва унинг ўқлари сақланади.

Хона қуйидаги талабларга жавоб бериш керак:

– мустақкам деворлар билан бошқа қўшимча хизмат хоналаридан ажратилган, пишик пол, девор, том, шифтга эга бўлиши керак;

– мустақкам ва ишончли қуроли иккита, яъни икки томонидан 1,4-1,6 мм қалинликдаги руҳланган тахта-тунука билан қопланган 40 мм қалинликда бўлган ташқи тахта ва диаметри 15 мм дан қалин бўлмаган алоҳида чивикчалардан бўлган панжарали ички эшикларга эга;

– 15 мм диаметри чивикчалардан бўлган ойна ёриқларида темир панжараларга эга бўлиш. Биринчи қаватда жойлашган хоналарда панжаралардан ташқари ёриқларга икки томондан руҳланган тунука-тахта билан қопланган ички темир ёки тахта дераза эшиклари қулфланадиган ва сўрғичли муҳр ёки кўрғошин тамғам билан муҳрланадиган бўлиши керак;

– ички ишлар органи марказлаштирилган кузатув пултига

чиқадиган қўриқлаш сигнал берилиши ёки яқиндаги қўриқлаш

шаҳобчасига чиқадиган алоҳида сигнал берилиши ва мактаб биносининг ташқи

томонида ўрнатилган баланд овозли жом бонги ёки сирена мосламаси билан

жиҳозланган бўлиши керак;

– ёнғинни ўчириш воситаларига (ёнғин ўчиргич) эга бўлиш.

Хонада ўқув отиш қуроли ёки кичик калибрли милтиқлар жавони (пирамида) ёки сейф,

кичик калибрли ўқ дориларни сақлаш қутиси, радиостанция учун стеллаж ўрнатилади.

Сафдаги тайёргарлик бўйича машғулотлар учун майдонча

Сафдаги тайёргарлик бўйича машғулотлар учун майдонча асфалт ёки бетондан қопланган бўлиши мумкин, Майдонча катталиги бир вақтда машғулотни барча ўсмирлар билан ўтказишга имкон бериш керак. Майдончага яхши кўринадиган белгилар қўйиб чиқилади. Майдонча параметри бўйича асосий сафдаги усуллар тасвирига эга бўлган 0,7х0,5 катталикидаги тўсқичлар ўрнатилиши мумкин (қурол ва қуролсиз сафдаги ҳолатнинг ростланганлиги, жойда ва ҳаракатдаги бурилишлар сафдаги қадам билан ҳаракат, жойда ва ҳаракатда ҳарбийчасига саломлашиш). Майдонча ичида таълим бериш ва таълим олувчиларнинг ташқи кўринишини яхшилашда ўз-ўзини назорат қилишни амалга ошириш учун кўзгу ўрнатиш мумкин.

Бундан ташқари, ҳовлида юк автомобилига ўтириш, таълим олувчиларни жойлаштириш ва автомобилдан тушиб қолишни ўрганиш учун юк автомобили ўграчаси макети жиҳозланиши мумкин.

Қурул билан сафдаги усулларни ўрганиш учун бутун бўлинмага етадиган автоматлар макетига эга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқ отишни машқ қилиш мосламаси

Ўқ отишни машқ қилиш мосламаси деб отиш (жанговар ва спорт) ва пневматик қурулларидан бехатар ўқ отиш учун мўлжалланган мослама ёки ернинг махсус ажратилган қисмига айтилади. Ўқ отишни машқ қилиш мосламасини алоҳида махсус қурилган бино, турли бино ёки қурилма, ернинг махсус жиҳозланган қисмида жойлаштириш мумкин. Бехатарлик даражасига кўра ўқ отиш машқ қилиш мосламалари уч турга бўлинади: ёпик, ярим ёпик, очик.

Барча ўқ отишни машқ қилиш мосламалари ўқ отиш павильони катталигига кўра у турли вазифани бажарувчи бино комплекси (кутиш, қурул тозалаш хонаси, ўқ отиш синфи, хожатхона ва ювиниш хонаси) билдириши мумкин. Бу бинолар миқдори ва катталиги ўқ отишни машқ қилиш мосламаси ва унинг катталиги, уни лойиҳалаштириш ва қуриш шарт-шароитларига боғлиқ.

Ўт очиш доираси

Ўт очиш чизиғи ва ўқ тушувчилар орасида жойлашган ўқлар билан белгиланган кенгликдир. У юқорида ўқ ва ёнидан ўтказмайдиган мосламалар билан тўлиқ ёки қисман ёпилган бўлиши мумкин. Ўқ отишни машқ қилиш мосламалари 25 м ва 50 м бўлиши мумкин. Уларда ўқ отиш курсининг қуйидаги эслатмалари илиб қўйилади:

- автоматдан бошланғич машқларни бажариш шарт-шароитлари ва хусусиятлари;
- ўқ отишда ҳавфсизлик чоралари.

Бундан ташқари, ўқ отишни машқ қилиш мосламасида маҳаллий шароитда ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳавфсизлик чоралари ҳақидаги йўриқнома, ўқ отиш раҳбари мажбуриятлари ва кичик калибмли милтиқдан ўқ отиш машқини бажариш шарт-шароитлари кўрсатилган стендлар илиб қўйилади. Ўқ отиш дастлабки вазиятни ва ўқ очиш марраси яхши кўринадиган чизиқ ёки керакли ёзувли тахтачалар билан белгиланади.

Тактик тайёргарлик ва фуқаролар мудофаа бўйича машғулотлар учун уқув шаҳарчаси

Шаҳарча 10-60 м дан кичик бўлмаган катталиқдаги ер қисмида жойлаштириш керак ва у қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. «Миналанган майдон»га ўтишни белгилаш учун жой.
2. Душман танкларини яқсон қилиш учун қўл танкка қарши гранаталарни ишлатишни машқ қилиш учун жой.
3. Асбоб-ускуна, окопларни ниқоблаш, хужумга тайёргарлик усуллари ўрганиш учун майдонча.
4. Ҳаво хужуми кураши учун ўқ отиш қурулини татбиқ қилиш машқи учун жой.
5. Ядровий портлашда ва индивидуал ҳимоя воситаларини кийишда бажариладиган ҳаракатларни дегазация ва дезинфекциясини ўтказишни машқ қилиш учун майдонча.

Тактик тайёргарлик саволларини ишлаб чиқиш учун бошқа жойлар ҳам жиҳозланган бўлиши мумкин.

Ўқ отиш усуллари ва қоидаларини амалий ўрганиш

учун майдонча

Бу майдонча жиҳозланган ўқув жойлари комплексидан иборат:

- турли вазиятлардан ўқ олиш;
- нишонгача бўлган масофани кузатиш ва аниқлаш;
- нишонга олиш бир хиллиги;
- ўқув парчали қўл гранаталарини олиш;
- автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш, магазинларни ўқлаш;

Милитикдан ўқ олиш дастлабки вазияти, ўқ очиш керакли кўрсатмалар (столба, фонарлар билан) билан белгиланади.

Имкониятга кўра майдончани мактаб ҳовлисида жиҳозламайдилар, бунда юқорида санаб ўтилган ўқув жойлари ва сафдаги тайёргарлик бўйича машғулотлар учун майдончани спорт комплекси қисмлари билан қисман бирга қўшиш мумкин (футбол майдончаси, югуриш йўлакчаси ва ҳ). Агар мактабда ўқ олишни машқ қилиш мосламаси бўлса, унда нишонга олиш бир хиллиги, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш, ўқдонларни ўқлашга ўқитиш машғулотини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Соқчи мажбуриятларини амалий ўрганиш

учун жой

Жой, постда содир бўлган вазият турли шароитларида соқчининг амалий ҳаракатларини ўрганиб чиқиш учун ўқув юрти, корхона ҳовлисида жиҳозланади. У қуйидаги белгиларни ўз ичига олади (3 та ўқув жойи):

- қўриқланадиган объект ўрнида деворлар, тахта симли деворлар билан ўрама қўшимча бинога киришдан фойдаланиш мумкин;

- автоматдан туриб ўқ олиш окоплари (қуруқликдаги қўшинлар жанговар Низоми талабларига кўра жиҳозланади, Ш.М.қ., 1982, 205) окоп деворини мустаҳкамлаш учун ичидан ғишлар ётқизилади, ёки тахталар қопланади. Бахтсиз ҳодисаларга йўл қўймаслик учун окоплар машғулот пайтида фақат олинадиган қопқоқ билан маҳкам беркитилиши керак. Бу ўқув жойида ҳаво тревогаси, пастга ҳужум қилишдаги ҳаракатлари ўрганиб чиқилади;

- қуролни ўқлаш ва ўқдан чиқариш учун (ердан 30 м баландликда бўлган устунларда ўрнатиладиган ўқ тутқич макети жиҳозланади). Пастда турувчи ёки пастдан келувчи соқчилар алмаштириш учун сафлаш жой (майдоча). Бу жойларда соқчилар томонидан қуролни ўқлаш ва ўқдан чиқариш усуллари ўрганиб чиқилади;

- ёнғинни ўчириш воситалари: ёнғин ўчиргич, қумли кути, сув тўлдириладиган кўп ҳажмли буюм, челақ ва инвентар (белкураклар, болталар, мисранглар, чангаклар) бевосита қўриқланадиган объектлар ёнида бўлиши керак. Қўриқланадиган объект ёнида постда ёнғин юзага келишини ўхшатиш учун жой жиҳозланади.

- кесма металл катта ҳажмли буюм ёки металл кути;

- пост кийимини сақлаш учун «пост кўзикорини», пост кўзикоринида қоровул бошлиғи, унинг ўринбосари ёки соқчиларни белгиловчи ҳарбий хизматчини дарҳол чақириш имконини берувчи қайта алоқа сигнализацияси ўрнатилади;

- қўриқланадиган объектни ўраб олиш учун «таъқиқланган зона» чизиғи белгиланади, бунинг учун «таъқиқланган зона чегараси» ёзувли жадвал ўрнатилади. Бу ўқув жойида постга ёки тақиқланган зонага (бузғунчи) бегона шахсни яқинлаштириш, 9-постга киришга уриниш (тақиқланган зона чегарасидан ўтиш), қўриқланадиган объект (пост) ҳудудига киришда ва соқчи ёки қўриқланадиган объектга ҳужум қилиш ҳамда соқчининг ҳаракатлари ишлаб чиқилади. Бу мақсадлар учун нишонлар ўрнатилади: №8 (бутун бўй кўриниш) – таъқиқланган зона чизиғи ортида (таъқиқланган зона чегарасига яқинлашаётган шахс); №6 (кўкрак қисми кўриниши) – таъқиқланган зона ҳудудида (тақиқланган зона чегарасидан ўтган бузғунчи); №8 (бутун бўй билан кўриниш) – қўриқланадиган объект ҳудудида (постга кирган бузғунчилар).

Навбатчи мажбуриятларини амалий ўрганиш

учун жой

Жой ҳарбий хонадан чиқишда ёки бошқа қулай жойда ҳарбий хона яқинида жиҳозланади. Жиҳозланган жой ўз ичига қуйидагиларни олади: ҳужжатлар тахтаси (ЎЗР ҚК ички хизмати Низомига кўра жиҳозланади); навбатчиликни қабул қилиш ва топшириш, қурол ва қурол-аслаҳаларини бериш, беморларни қайд қилиш, ҳарбий хизматдан жавоб олиб, кетганлар китоблари макетлари жойлашган қутича; ёнғин ўчириш воситалари (ёнғин ўчиргич) навбатчи яқинида жойлашган; рота бўйича навбатчи ёнғ боғичи (30-40 см узунликдаги ва 10 см кенгликдаги қизил матодан тайёрланади, боғич четлари бостирилиб, уларга ёнгда боғични маҳкамлаш учун тасма тикилади, боғичга оқ бўёқ билан ёки оқ матодан «Рота навбатчиси» деган ёзув босилади ёки тикилади); навбатчи аслаҳа анжомлари (найза, пичоқ ва пичоқчалар макети, автомат найзаси, пичоғи катталигида тахта, пластмассадан тайёрланади).

Бу ўқув жойида навбатчининг бевосита бошлиқларининг ротага келишида, тревога ёки ёнғин ҳолларида, телефон бўйича ҳисоб беришда, бошқа рота ҳарбий хизматларининг ротага келишида рота навбатчисига бўш смена навбатчисини чақиришда рота қуроли ва мулкани сақланишини таъминлашдаги амалий мажбуриятлари ишлаб чиқилади (ротадан олиб чиқиш).

Қуролни тозалаш ва мойлашга ўқитиш

учун жой

Жой ўқ отишни машқ қилиш учун мослама биноси, ўқ отувчиларни тайёрлаш учун хонада жиҳозланади. Ундан 3-мавзу, ўт очиш тайёргарлиги бўйича 1-10 машғулотларни ўрганишдаги ўқув жойларидан бирида фойдаланиш мумкин. Ўқув юртида (ўқув пунктида) ўқ отишни машқ қилиш учун мослама биноси бўлмаганда жой ҳарбий хона лабораторияси ёки қурол сақдаш хонаси яқинида жиҳозланади.

Жиҳозланган жой ўз ичига қуйидагиларни олади: қуролни қисмларга ажратиш, тозалаш, мойлаш ва йиғиш ишлари олиб бориладиган махсус стол; қуролни тозалаш ва жойлаш тартиби баён этилган тўсиқ (тўсиқда қуролни тозалаш ва мойлашда ишлатиладиган анжом ва материаллар намуналари, қуролни баъзи бир қисмларини ва механизмларини тозалаш учун тахта ёғочлар тўплами (ўқувчилар билан тайёрланади жойлаштирилади); қуролни сақлаш ва кўриб чиқиш тартиби эслатмасига эга тўсиқ; қурол мойи суюқлигига эга идиш.

Қуролни тозалаш ва мойлашга ўқитиш бевосита ҳарбий раҳбар (ўқитувчи, натижалари) бошқаруви остида олиб борилади. Агар кичик калибрли қуролдан ўқ отишни ўтказишда қуролни тозалаш ва мойлашга ўқитиш учун жой ўқув жойларидан бири сифатида ишлатилса, унда қуролни тозалаш ва мойлашга ўқитиш янада тайёрланган бўлим командири бошқарувида ўтказилиши мумкин.

4-Мавзу

Ўзбекистон Республикаси ўқув масканларида ҳарбий ватанпарварлик ишларининг кўрилиши ва услублари

1. Ўқувчиларнинг чақириққача тайёргарлигини ўташ ҳафталик режаси.
2. Ҳарбий кабинет ойлик ишлари режаси (дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар режаси).
3. Машғулот ўтказиш режаси (режа-конспект).
4. Сиёсий, ҳарбий, педагогик билимларни ошириш, ҳарбий ўқитувчи услубий кўникмаларини шакллантиришнинг ўқув йилига мўлжалланган шахсий режаси.
5. Ўқув муассасасида чақириққача тайёргарлик фани бўйича моддий ўқув базасини такомиллаштириш режаси.
6. Ўқув йилига мўлжалланган чақириққача тайёргарлик фанининг моддий ўқув базасини такомиллаштириш режаси.
7. Ўқув муассасаси ва ҳомий ҳарбий қисм билан ўқувчиларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича ҳамкорликда ўтказиладиган - ўқув йилига мўлжалланган тадбирлар режаси.
8. Чақириққача тайёргарлик бўйича ўқув-услубий комиссия, жисмоний тарбия ва тиббий билимлар асосларининг иш режалари.
9. Битирувчи синфлардаги ўсмирлар билан дала машғулот (йиғин)ларига тайёргарлик ва ўтказиш режаси.
10. Ўқув муассасасида ҳарбий – спорт байрамини ўтказишга тайёргарлик режаси
11. Ҳарбий иш асослари, ҳарбий-амалий спорт турлари бўйича тўғараклар ва секциялар иши режаси.
12. Ҳарбий ўқув муассасасига номзодларни танлаш бўйича иш режаси.

ЎҚУВ МУАССАСАСИ БУЙРУҚЛАРИ

1. Ўқув йилига чақириққача тайёргарлик машғулотини ташкил этиш ҳақида.
2. Взвод, бўлинма ташкил этиш ва командирларни тайинлаш тўғрисида.
3. Кичик калибрли милтиқдан отишни ўтказиш тўғрисида.
4. Ўқувчилар билан дала – ўқув машғулотини (йиғин) ўтказиш тўғрисида.
5. Ўқувчиларнинг ЧЁТ дастури бўйича таълимни тугатиш тўғрисида.

ЎҚУВ ВА ҲИСОБОТ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Чақириққача тайёргарликнинг йил бўйича аҳволи тўғрисида якуний ҳисобот.
2. ЧЁТмашғулот давомати бўйича ўқув муассасаси директори дафтари.
3. Қоровулхона сигнализициясининг аҳволини кундалик текширув ва қурол сақлаш хонасини қоровулга топшириш дафтари юритиш.
4. Ўқув қуроли, кичик калибрли милтиқ ўқи, аслаҳаси, ҳисоби ва дафтари ҳамда табелли ўқув воситаси.
5. Ўқув қуроли. Аслаҳа, кичик калибрали милтиқ ўқи, ўқув қуроли табелини топшириш китоби.
6. Адабиёт ва ўқув қўланмаларининг ҳисоб-китоби.
7. Синф журнали.
8. Ўқув қуроллари ва йичик калибрли милтиқ аслаҳалари, ўқини сақлаш ва назорат қилиш ҳисоби журнали.
10. Ҳарбий иш асослари ва амалий спорт турлари тўғарак ҳамда секциялари иши ҳисоби журнали.
11. Ўқ отишни ўтказишда ўқувчиларга ҳавфсиз чора-тадбирлари бўйича инструктаж ўтиш журнали.
12. Шаҳар (туман) ички ишлари бўлимнинг қурол ва кичик калибрли милтиқ сақлаш ҳукукига рухсатномаси.
13. Туман мудофа ишлари бўлими. МК «Ватанпарвар» ташкилоти омборларидан қурол олиш ҳужжатлари.
14. Кабинетнинг қурол сақлаш учун яроқлилиги далолатномаси.

15. Кичик калибрли милтиқ ёрдамида отиш машғулоти ўтказиладиган ўқ бериш қайдномаси.

16. ЧЁТ ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бўйича ўқувчиларга тадбирлар ўтказиш давомида баённома, қайднома ва жадвал натижалар.

Баённома ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- назорат машғулотлари, ўқувчиларнинг ЧЁТ бўйича назорат нормативларини текшириш ва бажариш баённомаси;
- ўқув муассасасида ҳарбий – спорт мусобақалари биринчилиги баённомаси;
- жисмоний соғломлаштириш мажмуаси талаблари ва ўқувчиларнинг машқларни бажариши баённомаси;
- ўқув муассасаси жамоасининг туман (шаҳар) ва бошқа ҳарбий – спорт мусобақасидаги иштироки баённомасидан кўчирма;
- в рекордлар ва ўқувчиларнинг ўқув муассасасида ЧЁТ бўйича юксак ютуқлари жадвали.

Ўтказилган тадбирлар баённомасини тўғри расмийлаштириш ҳарбий раҳбарнинг сўзда эмас, амалда тўғри иш юрита олишини тасдиқлайди.

Баённомадаги ўқув муассасаси ўқувчисининг ярим йиллик натижасига қараб, ЧЁТ дастурини ўзлаштириш даражаси, мусобақа, машғулот ва тадбирларга баҳо бериш мумкин.

Ҳар бир ҳарбий раҳбар чақириқча ёшлар тайёргарлигининг барча боблари бўйича тўғри услубий ўқув машғулоти ўтказа олиши шарт.

Ҳарбий раҳбарнинг услубий маҳорати замирида унинг педагогик ва ҳарбий билими, юксак амалий тайёргарлиги, тамойил, услуб, ўқувчига таълим-тарбия беришнинг услубий усуллари ижодий қўллаш қобилияти ётади.

Назарий машғулотларда ўқувчилар низомлар, ҳарбий иш раҳбарлик ва устозлик талаблари асосий қоидаларини, шунингдек, ҳақиқий ҳарбий хизмат давомида олинган билимлар, маслаҳат ва тавсиялардан фойдалана олишни эгаллашлари лозим. Маълумки, ҳарбий раҳбарлар одатда, назарий машғулотларни дидактик машғулотлар ва таълим техник воситалари ёрдамида ҳикоя шаклида баён этади.

Амалий машғулотларда ўқувчилар машқлар ва ҳаракат, норматив усуллариининг бажарилиши техникасини ўрганишлари ва мустақамлашлари, шунингдек, қурилма, жиҳозланган майдончалар ва машғулотлар жойи ҳамда қурол, асбоблар, муҳандислик қуролланиш, шахсий ҳимоя воситалари, спорт қуроллари ва анжомларидан фойдаланган ҳолда ўқотар ва бошқа вазифаларни ҳал қишишга ўрганишлари лозим.

Амалий машғулотларни тўғри ташкил қилиш ва ўтказишда раҳбарнинг дарсга муносабати ва шуғулланаётганларга таъсир қила олиши шахсий намунаси муҳим ўрин тутди. Ижобий шахсий намуна раҳбарнинг юксак амалий тайёргарлиги, машғулотни яхши ўта билиши, таълим олаётганларга машқ усуллариини аниқ ва чиройли кўрсата билиш қисқа ва лўнда тушунтира олиш ва иш билан бирга уларни қизиқтира олиш қобилиятида ифодаланади.

Раҳбар дарс вақидан тежамкорлик билан фойдаланиб, унинг мазмунли ўтишини назорат этиши, ҳар бир машғулот учун зарур машқ, усул ва ҳаракатларни тўғри танлай билиши, уларнинг интенсив бажарилишини яъни дарс жараёнида юкломани тўғри тақсимлашни била олиши лозим.

Шу мақсадда раҳбар зарур сифатларни шакллантиришга унчалик хизмат қилмайдиган узоқ ўрганишни талаб қиладиган, машқ, усул, ҳаракатларни қўллашдан узоқ ўрганишдан қочиши керак. Шунинг учун ҳеч қачон ташкил қилишни оқланмаган ҳолда қийинлаштирадиган, машқлар бажарилишини секинлаштирадиган ва шу билан уларни машғулотларда такрорлаш сонини камайтирадиган белгиларни машқларга қўшиш тавсия этилмайди. Тажрибали раҳбар таълим мураккаб бўлмаган машқларга ўқитиш белгилари

бўйича эмас, балки бутунлигича олиб боради ва имкон бўлиши билан (бундан машқлар бажарилиши техникасининг келгуси такомиллашуви ҳақида унутмаган ҳолда) барча ҳолларда батафсил тушунтиришлар ва такрорий кўрсатиб беришларга ортиқча бир дақиқани сарфламасдан таълимни ғайрат билан, яхши тезликда олиб боришга дарҳол ўтади.

Амалий машғулоти ўтказишда раҳбар ўқувчининг қурол, жанговар техника, ўқ-дори билан ишлашида ҳавфсизлик чора тадбирларига риоя этиш, ёрдам ва суғуртани амалга ошириши, жароҳат, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чораларини кўриши лозим.

Раҳбар онгли, виждонан дарсига ёндошмоғи керак. Аниқ ва ишончли буйруқлар, таълим олаётганларга дўстона ва яхши муносабат дарсининг қизиқарли ўтишига ёрдам беради.

Қаттиққўллик, жаҳлдорлик, таълим олаётганларга қўпол муомала тавсия этилмайди.

Раҳбар нафақат ўқувчиларга кўникмалар шаклланишига ғамхўрлик қилиши, балки ҳарбий қасамёд ва, умумҳарбий низомлар талабларида уларни тарбияламоғи, юксак интизомлили ва масъулиятлилика эришмоғи лозим. Машғулоти давомида раҳбар саф низомлари талабларини бузишга йўл қўймаслиги, бунинг учун амалий ҳаракатларни тўғри бажарилишига машқ ва нормативларни тўла куч сарфламасдан, бажаришдаги турли ҳолатларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиши керак.

Дарсда юксак ташкилланганликни сақлаб туришга раҳбарнинг ўзини тутиши катта аҳамиятга эга. Унинг саранжом-саришталиги, қадди ростлиги, ўқувчиларга юксак талабчанлига машғулотнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайди. Интизомни мустаҳкамлаш ва таълим олувчиларни ўқув машғулотида қизиқтириш мақсадида раҳбар интилувчан, ҳаракатчан ва ҳар томонлама ривожланган ўқувчиларни бошқаларга намуна қилиш орқали рағбатлантириш, ёмон ўқийдиганларга эса таъзир бериш ва уларда ўз ҳарбий ва жисмоний тайёргарликлари бўйича масъулият ҳиссини оширишга эришиш лозим.

Эҳтимол, амалий машғулотларни ўтишда ҳарбий раҳбар учун унинг асосий тамойил ва қоидаларни билиш ва риоя қилиш етарли эмас, яна уларни амалиётда моҳирона татбиқ қила олиш мумкин, ҳар бир машғулотида норматив, усул ва ҳаракатлар бажараришни ўрганиш ва машқ қилишнинг янада катта фойда берадиган шарт-шароитларини ярата билиши лозим.

Бу барча турли талабларни моҳирона бириктириши бир вақтнинг ўзида бажараришда

ҳарбий раҳбарнинг услубий маҳорати мужассамлашган. Бу маҳорат ҳар бир

машғулотида ўтказишга оқилона ёндашув билан яратилиб қисқа вақт давомида етарли

тажриба тўплаш, ташкилий ва услубий кўникмалар ҳамда ҳарбий раҳбарнинг асосий

сифатларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Мустақил тайёргарлик бўйича саволлар:

1. Қандай ҳужжатлар бошқарув ҳужжатлари қаторига киради ва номланади?
2. ЧЕТ ва ХВТни режалаштириш бўйича ҳужжатларни ўрганиш.
3. Ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатлари.
4. Ўқув муассасаси қандай буйруқларни ишлаб чиқади?

Якуний қисм

1. Машғулоти якунларини эълон қилиш.
2. Талабалар саволларига жавоб бериш.
3. Машғулотида фаол талабаларли белгилаш.

4. Мустақил тайёргарлик ва семинар бўйича топшириқ бериш.

5-Мавзу **Ҳарбий раҳбарнинг услубий тайёргарлигининг** **шаклланиши**

Ҳар бир ҳарбий раҳбар барча чақириққача тайёргарлик бўлимлари бўйича ўқув машғулотларни услубий тўғри олиб боришни билишга мажбур.

Услубий маҳорат асосида уларнинг педагогик ва ҳарбий билимларини, яхши амалий тайёргарлик ва ўқувчилар таълим-тарбия тамойиллари, услублари ва услубий йўлларини ижодий татбиқ қилишга қобилият ётади.

Назарий машғулотларда ўқувчилар машқлар, усуллар, ҳаракатлар ва нормативларни бажариш техникасини ўрганиш ва мустаҳкамлаш ҳамда жиҳозланган майдончалар ва машғулотлари жойлари, асбоб-ускуналари, шунингдек қурол, асбоб, индивидуал ҳимоя, муҳандислик қуролланиш воситалари, спорт – снаряд ва жиҳозларидан фойдаланилган ҳамда ўқ отиш ва бошқа вазифаларни ҳал қилишга ўрганишлари керак.

Амалий машғулотларни тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш учун ҳарбий раҳбарнинг шахсий мисоли, дарсга муносабати ва шуғулланувчиларга таъсири катта аҳамиятга эга. Ижобий шахсий мисол раҳбарнинг юқори амалий тайёргарлиги, машғулот тўғри ўтказиш қобилияти, машқни чиройли ва тўғри кўрсатиш (усул, ҳаракат), уларни қисқа ва тушунарли қилиб тушунтириш ва шу билан бирга таълим олувчиларни қизиқтира олиш орқали ифодаланади.

Раҳбар дарс вақтини тежамли ишлатиш, унинг натижали зичлигига риоя қилиш ҳамда ҳар бир машғулот керакли машқ, усул ва ҳаракатларни тўғри танлай олишни билиш, уларнинг бажарилиши тезлигини аниқлаш, яъни бошқа сўзлар билан айтганда, дарс жараёнида дарс ҳажмини тўғри қисмларга бўлишни била олишга мажбур.

Тажрибали раҳбар таълимни мураккаб бўлмаган машқлар билан белгилар бўйича эмас, балки бутунлигича олиб боради ва имкон борича машқ қилишга дарҳол ўтади. Барча ҳолларда таълимни батафсил тушунтиришлар ва қайта кўрсатиб беришларга ортиқча бир дақиқани ҳам ишлатмасдан ғайрат билан, яхши тезликда олиб бориш муҳим.

Амалий машғулотни аниқ ўтказиш учун раҳбар ўқувчиларни қурол, жанговар техника, қурол-аслаҳалар билан ўрганишида ҳавфсизлик чораларига риоя қилишга мажбур, ёрдам ва ҳавфсизликни амалга оширишни билиши, жароҳат ва бахтсиз ҳоллар олдини олиш чораларини қабул қилиши керак.

Раҳбар дарсга онгли, виждонан ёндашиши керак. Дарсни қизиқарли олиб боришга ишончли ва аниқ буйруқлар, таълим олувчиларга дўстона мурожаат қилиш ёрдам беради. Ортиқча ховлиқмалик, бакироқлик ва шуғулланувчилар билан қўпол муносабатда бўлишга йўл қўймаслик керак.

Раҳбар нафақат ўқувчилар энг муҳим қобилият ва кўникмаларини такомиллаштириш ҳақида ўйлаши, балки уларни Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талаблари руҳида тарбиялаши, барча имкониятларни ишга солиб, юқори интизомийлик ва ишчанликни оширишга эришиши лозим. Ўқув машғулотларини ўқишда раҳбар саф низоми талабларини бузишга йўл қўймаслиги, бунда асосий эътиборни амалий ҳаракатларни тўғри бажаришга қаратиш, турли шартлиликлар ва машқларни бутун куч билан бажармасликни бартараф этиш лозим.

Дарсда юқори ташкилийликни ушлаб туриш учун раҳбарларнинг ўзини тутиши катта аҳамиятга эга. Унинг тоза кўриниши, яхши қадди ростлиги, ўқувчиларга юқори талабчанлиги машғулотларни янада муваффақиятли ўтишига ёрдам беради. Интизомни мустаҳкамлаш ва ўқув машғулотларига ўқувчиларни қизиқтириш мақсадида раҳбар энг ҳаракатчан интизомли ва эпчил ўқувчиларни рағбатлантириши, бепарволарни эса қаттиқ талаб қилиб, уларда ўзларининг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлиги учун масъулият ҳиссини уйғотишга интилиши лозим.

Амалий машғулотларни ўтказишда ҳарбий раҳбар учун уларнинг асосий тамойил ва қоидаларини билиш етарли эмас. Яна уларни амалиётда моҳирона татбиқ қилиш, ҳар бир машғулотда машқ, усул ва ҳаракатларнинг машқ қилиши катта фойда берадиган шароитларни яратишни билиш муҳим.

Шундай қилиб машғулотлар раҳбарига қуйидаги турли талаблар қўйилади:

Аслида, амалий машғулотларни ўтувчи ҳарбий раҳбар машғулотларни бажариш яхши сифатига эришиши лозим.

- мунтазам вазифа мураккаблиги ва ҳажмини ошириш;
- бир вақтда барча ўқувчилар билан шуғулланиш ва ҳар бирига индивидуал ёндашиш;

- машғулотлар юқори зичлиги ва шуғулланувчилар фаоллигига интилиш;
- ўқувчиларда жасурлик ва қатъийликни тарбиялаш.

Бу моҳирлик ҳар бйр машғулотни обдон ўйлаб, ўтказиш орқали яратилади. Бундай муносабат етарли тажриба орттириш, керакли ташкилий ва услубий кўникмалар ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ўсмирларнинг чақириккача тайёрлаш дарсининг сифати ва самарадорлиги ҳарбий раҳбарни унга тайёрланганлиги сифатига боғлиқ.

Машғулотга тайёрланишда ҳарбий раҳбарга қуйидагилар тавсия этилади:

- ўқув саволлари бўйича ўқув материали, мавзу мазмуни ва ҳажмини, машғулот ўқув мақсадлари ва унинг тарбиявий йўналиши, қурилишини аниқлаш;

- ЎЧТ ва бошқа фанлар бўйича ўтган машғулотларда ўқувчилар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлганликларини аниқлаш;

- бўладиган машғулотда бу билим ва кўникмалардан қандай фойдаланиш мумкинлигини ўйлаб чиқиш;

- машғулотларни ўтказиш услуб ва тартибини аниқлаб олиш;

- машғулотда қандай техник воситалар, ўқув қуроли, ҳарбий мулк ва қуролларини ишлатишни аниқлаб чиқиш;

- керакли низом ва кўрсатмалар дарслик ва услубий қўлланмалар бўлимлари, мазкур мавзу бўйича бошқа адабиёт бандларини ўрганиб чиқиш;

- мавзунини янада чуқурроқ ўрганиб чиқиш учун ўқувчиларга тавсия қилиш мумкин бўлган адабиётни танлаш;

- усул ва ҳаракатларни бажаришни машқ қилиб қўйиш;

- унга мустақил иш учун вазифа аниқлаб қўйиш.

Машғулотга тайёрланишда керакли кўргазмалар қуролини танлаб қўйиш (плакат, схема, макет, асбоб, диаграммалар), уларни йўқлигида эса ўқувчилар ёрдамида тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тактик, ўт очиш, ўқ отиш тайёргарлиги ҳарбий типография бўйича амалий машғулотларни ўтказиш юқори даражасини таъмирлаш шартлари белгиланган жой, ўқув майдончасини олдиндан ўрганиш ва тайёрлаш, тактик тайёргарлик бўйича эса бундан ташқари тактик вазият ва душман ҳаракатларини белгилаш тартибини аниқлашдан иборат.

Машғулотга тайёрланиш одатда машғулот режасини (режа конспект) тузиш билан якунланади, режа шакли хоҳишга кўра бўлиши мумкин – бу ҳарбий шахсий тайёргарлиги ва педагогик тажрибасига боғлиқ. Одатда режада (режа-конспектда) машғулот дастурининг қайси бўлими бўйича ва нечанчи синф (курс) ўқувчилари билан олиб

борилиши кераклиги, ўқув-тарбиявий мақсадлар, мавзу номи, машғулоти тартиб рақами, машғулоти ажратилган вақт, услуб, жой, моддий таъминот, қўлланмалар, машғулоти бориши (шу билан бирга ҳарбий ва таълим оловчилар ҳаракатлари), машғулотида бериладиган буйруқлар, тактик тайёргарлик бўйича эса бундан ташқари, ҳар бир ишлаб чиқиладиган савол бўйича тактик вазият мазмуни, уй вазифаси кўрсатилади.

Машғулоти режасини машғулотигача 6-7 кун олдин ўқув юрти директориға кўриб чиқишға бериш тавсия этилади. Бу унга мазкур мавзу бўйича дастур талаблари, дарс режаси ва ўтказиш услубини бирма-бир ўрганиб чиқишға ва машғулоти ўтказишда ҳарбий раҳбарға амалий ёрдам кўрсатишға имкон беради.

Машғулотиларға ҳарбий раҳбарнинг тайёрланиши муҳим белгиси ўқув-моддий базани ва таълим техник воситаларини тайёрлаш ҳисобланади.

Ҳарбий хона ЎҚТ ўқув-моддий базаси асосий белгиси ҳисобланади. У мунтазам равишда озода ва тартибли бўлиши, кўргазмали қуролар ўз вақтида янгиланиши ва уларнинг мавзу ва мазмуни ўсмирларнинг чақириқча тайёргарлиғи дастуриға тўғри келиши керак. Имконият борича хона катта, ёруғ жойда жойлашиши ва икки ўринли столлар, ҳар бир ўқувчи учун алоҳида стул, ҳарбий раҳбар учун стол ва синф ёзув тахтаси билан жиҳозланган бўлиши керак. ЎҚТ дастури ҳар бир бўлими уларнинг асосий мазмунини акс этадиган стендлар билан безатилиши керак.

Асбоб, кўргазмали қурол ва қурол-аслаҳалардан ташқари бошқа ўқув мулкани сақлаш учун ҳарбий хона ёнида ўқув асбоблари, мулки ва кўргазмали қуроллар ўқув дастури бўлим ва мавзулари бўйича тартибға солинадиган, ҳар бир туриға кўра алоҳида тўплами билан текча, шкаф ва витриналарда жойлашадиган лаборантлик хонаси кўзда тутилиши керак.

Хонани жойлаштиришда киноаппарат ва киноэкрани жойлаштириш масаласи ўйлаб чиқилиши лозим.

Хона кенлиғи йўл қўйса, унда рота навбатчиси мажбуриятларини амалий ўрганиш учун жойни жиҳозлаш мумкин. ЎҚТ бўйича ўқув жараёнидаги кўргазмали воситалар қуйидаги турда бўлиши мумкин:

- нарсалар кўргазмаси – бу реал қурол намуналари, ФХ асбоблари, ҳарбий техника ва бошқалар;

- тасвирий кўргазма – бу схема ва плакат, расм ва суратлар, макет ва моделлар, диафильм ва ўқув типофильмлари, машқ қилиш учун мосламалар;

- сўз – образли кўргазма – бу воқеаларни, турли жасоратларни ёрқин тасвирлаб бериш, ўхшатишларни ишлатиш.

Кўргазмали қуроллар максимал даражада қисқа ва нарса ёки ҳодиса моҳиятини ифодалаши, керакли ўлчов ва тушунарли безакка эга бўлиши ва бунда режаларни қабул қилиш психологиясининг баъзи бир хусусиятлари эътиборға олиниши керак. Бунинг барчасини ҳарбий хонани жиҳозлаш ва дарсни ўтказишда эътиборға олиш лозим.

Дарсларда кўргазмали қуролларни ишлатишда қуйидаги тавсияларға риоя қилиш шарт:

- кўп сонли кўргазмали қуролларға берилиб кетмаслик; бирданиға барча кўргазмали қуролларни кўрсатмасдан, балки материални баён этишда ишлатиш;

- кўргазмали қуролларни кўрсатишда шу қурол мазмунини ўқувчилар яхши англаши учун керакли тушунтиришларни бериш;

- машғулоти беришда кўргазмали қуролларнинг турли шакллариини бирға қўшиш;

- кўргазмали қуролларни кўрсатиб бўлгандан ва ўқувчилари кузатуvidан сўнг керакли хулосаларни қилиш керак.

Таълим ўта муҳим кўргазмали қуролли диафильм ва кинофильмлар ҳисобланади. Ҳарбий раҳбар машғулотида олдин уларни кўриб чиқиши, ўйлаб кўриб кўрсатиш режасини тузиши, яъни кўрсатиш пайтида қачон ва қандай изоҳлар бериш керак, бундан сўнг кўриб чиқилган ўқув фильмлар бўйича ўқувчилар билан қисқа суҳбат ўтказилади.

ЎЧТ бўйича машғулотларни сифатли ўтказиш учун, айниқса, амалий машғулотлар учун баъзида ҳарбий раҳбарга ёрдамчилар талаб қилинади.

Ҳарбий раҳбарга ёрдамчилар ёрдам берадиган ўқув жойларга режалар тузиши керак. Уларда ишлаб чиқиладиган ўқув савол ёки ҳаракатни мақсад, моддий таъминот ва саволни (ҳаракатни) ишлаб чиқиш тартиби, норматив кўрсаткичлари ва баҳолаш тартибини кўрсатиш мумкин. Буидай режалар ўқув жойи учун кўрсатмали ёзувлар деб аталади. Кўрсатмали ёзувларни 15, 20 см ли ватманда бажариш ва уларни ушлагичли фанерда мустаҳкамлаб қўйиш яхши бўлади. Одатда, бўлинмалар сардорлари ёки яхши тайёрланган интизомли ўқувчиларни – ёрдамчилар қилиб белгилашади.

Ҳарбий раҳбар машғулот олдидан ёки олдиндан ишонч ҳосил қилиш учун ёрдамчилар билан қўшимча машғулотни ўташи керак. Бунда у ёрдамчилар орқали материални яхши ўзлаштирилгани асбоб ва бошқа ўқув мулкидан фойдаланиш қоидаларини ўрганилганини, норматив кўрсаткичлар ва баҳолаш тартибини билишлигини текшириб олади. Фақат шундан сўнг ёрдамчиларга ўқув жойларида машғулотларни ўтказишга рухсат берилади.

ХУЛОСА

ЎЧТ ўқув машғулотлари юқори ҳарбий иш билими билан услубий тўғри юқори педагогик даражада олиб борилиши учун ҳарбий раҳбар ўзи у ёки бу машғулотга сифатли тайёрланиши ва ўқув-моддий базани ва таълим техник воситаларини ва зарурият бўлса машғулотларни ўтказиш учун ёрдамчиларни тайёрлаб қўйиши керак.

Ҳарбий раҳбар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси «Мудофаа ҳақида», «Ҳарбий хизмат – умумий ҳарбий мажбурияти ҳақида», «Алтернатив хизмат ҳақида» қонунлари, ҳарбий хизматга республика фуқароларини тайёрлаш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосий низомлари билан таништиришда ўқувчилар уларнинг маъно ва мазмунини, Ватан ҳимояси бўйича ўз ватанпарварлик бурчини албатга адо этишга тайёр бўлган мустақил давлат фуқароси маънавий қиёфасини тасвирлайдиган буюк маънавий кадриятлар сифатида қабул қилишларига эришишга ҳаракат қилади.

Чақириққача тайёргарлик асосий йўналишлари ўсиб келаётган авлод жисмоний ва маънавий, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақириққача ва чақириқ ёшидаги ёшларни давлат меҳнати ва мудофаасига тайерлаш. ЎЧТ асосий вазифаларига ҳарбий билимлар керакли ҳажмини ўзлаштириш, жисмоний тайёргарлик, ўз ватани ҳарбий тарихини, рамзлари ва тамойилларини ўрганиш, ватанпарвар, фуқаро, жангчини шакллантириш киради.

Чақириққача тайёргарлик жараёнида ёшлар Ватанни ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Конституция низомларини ўрганади. Қуролли кучлар вазифаси ва уларнинг моҳияти, хусусиятлари, ҳарбий хизматнинг республика фуқаролари фахрий мажбуриятлари сифатида аҳамияти, Ҳарбий қасамёд, Қуролли Кучлар низомларининг асосий талабларини аниқлайди, ҳарбий қисм қуролланиши ва ҳарбий техникаси, шахсий таркиб ҳаёти ва турмуши билан танишади, ёш аскарни тайёрлаш ҳажмида жанговар билим ва амалий кўникмаларга эга бўлади, Қуролли Кучларга чақириладиган бўлажак ўсмирлар қисқа муддат ичида замонавий қурол ва техникани эгаллашлари учун аҳоли ҳимояси асосларини эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси ЎЧТ дастури Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 23.07.1993 йил 179/227 сонли буйруғи билан амалга киритилган ва қуйидаги таълим бўлимларига эга:

- амалий жисмоний тайёргарлик;
- ўқ отиш тайёргарлиги;
- фуқаро ҳимояси;
- ҳарбий иш асослари;
- ҳарбий хизмат асослари;
- тиббий билимлар асоси.

Шу ерда чақириқча тайёргарлик ҳар бир бўлимига соатлар ҳисоби берилган. ЎҚТ дастурида ўқ отиш қуролидан ўқ отиш курси баъзи бир қоидалари (1-илова), кичик калибрли милтиқ, автоматдан ўқ отиш ва пиёда тартибда қўл гранаталарини отиш машқлари (2-илова), амалий жисмоний тайёргарлик, фуқаро ҳимояси, ўқ отиш тайёргарлиги ва ҳарбий иш асослари бўйича назорат нормативлари, умумий тўсиқлар чизиғидаги машқлар (4-илова), ўқ отиш мусобақаси ва спорт ўқ отиш машқлари (5-илова) ва бошқ. берилган.

1995 йили 30 августда Олий Мажлис юқори қонуният органи билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси қабул қилинган.

Ҳарбий доктрина учта асосий бўлимдан иборат: доктрина умумий қоидалари, сиёсий томонлари, Қуролли Кучлар стратегияси ва татбиқ қилиш шартлари, иқтисодиёт, ҳудуд ва мамлакат аҳолисини мудофаага тайёрлаш масалалари, шунингдек ҳарбий доктрина ҳуқуқий асослари.

Ҳарбий доктринани ҳар тарафлама таҳлил қилиш Қуролли Кучлар мудофаага қобилиятлилиги, биринчидан, давлатимиз иқтисодий, ҳарбий-техник, илмий кучи ривожланиши, иккинчидан, Ўзбекистон халқлари миллатлараро бирдамлиги, учинчидан, ҳар бир фуқарони ватанпарварлик, байналминал ва юқори интизом руҳида тарбиялаш асосида таъминланиши ҳақида хулоса қилишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мунтазам армия тамойилида қурилади. Машғулотлар раҳбарининг ўқувчиларга Ҳарбий доктрина асосий низомларини тушунтиришда, шунингдек доктринада кўзда тутиладиган чақириқча тайёргарликни тубдан яхшилаш йўллари ва шу мақсадда амалга ошириладиган ўсмир ёшларни кунда соғломлаштириш тадбирларига эътиборни қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси ўзининг Қуролли Кучларини яратилиши. 1991 йил 31 августда Ватанимиз мустақиллиги эълон қилиниши билан чамбарчас боғлиқ.

Жаҳонда 90-йиллар бошида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазиятни аниқ баҳолаб, «Суверенитет ҳақида»ги декларация қоидалари ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари ҳақидаги қонундан келиб чиқиб, Республика мустақиллиги ва ҳудудий бутунлиги, халқ тинч меҳнати кафолатланган ҳимояси заруриятини эътиборга олган ҳолда давлатимиз раҳбарияти билан Қуролли Кучлар яратиш ҳақидаги қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирилган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув юртлари ҳақида»ги қарори уларни яратишга ҳуқуқий асос солди. Бу сана Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 29 декабрдаги Қонунига мувофиқ «Ватан ҳимоячилари» куни деб белгиланган.

Мазкур Олий Кенгаш Қарорига биноан республикаимиз ҳудудида жойлаштирилган собиқ СССР Қуролли Кучлари ва барча қисмлари унинг юрисдикциясига олинган эди. Улар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларни ташкил қилди. Қуролли Кучларини бошқариш 1991 йил сентябрида яратилган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари Вазирлигига юклатилган эди ва кейинчалик республика президенти И.А.Каримовнинг 1992 йил 3 июлдаги Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлигига ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 февралдаги фармонида биноан Қуролли Кучлар ҳуқуқий базаси яратилган. 1992 йил 3 июлда Олий Кенгаш «Мудофаа ҳақида», «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида», «Алтернатив хизмат ҳақида»ги қонунларни қабул қилди. Машғулот раҳбари бу муҳим қонуний ҳужжатларни бирма-бир ўриб чиқиши лозим.

1992 йил 8 декабрда Қуролли Кучлар ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаган мустақил Ўзбекистон биринчи Конституцияси қабул қилинган. Конституция «Мудофаа ва ҳавфсизлик» 26-бобида таъкидланадики, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлиги, аҳоли осойишта ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш учун яратилган. Конституцияга биноан Ўзбекистон

Республикаси Президенти Республика Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони ҳисобланади.

1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Ҳарбий қасамёд ҳақида», «Ҳарбий қасамёд қилдириш тартиби ҳақида» Қарорлар қабул қилди. 1993 йил 22 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари» ҳарбий қисми «Жанговар Байроғи ҳақида»ги фармони билан қуролли кучлар учун умумий Жанговар Байроқ намунаси белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Жанговар Байроғи ҳақидаги низом тасдиқланган.

1992 йил 23 сентябрда Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари чегара ва ички қўшинлар»да ҳарбий интизом мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишни такомиллаштириш бўйича чоралар ҳақидаги 445-сонли қарори қабул қилинди, шунга кўра Қуролли Кучларда шахсий таркиб билан ишлаш органлари ва тарбиявий иш изчил тизими яратилган.

6-мавзу

Чақириққача тайёргарлик бўйича кириш дарсларининг ўтилиши услуби

"Чақириққача тайёргарлик бўйича машғулоти олиб бориш шакли ва услублари ва уларнинг тавсифи".

Ҳарбий-педагогик фани ютуқлари ва унинг таркибий қисми-дидактика асосида тузилади.

Дидактика (грек ўргатувчи) бу таълим ва маълумот назариясини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи.

Ҳарбий дидактика – бу ҳарбий таълим ва маълумот назариясини ишлаб чиқадиган ҳарбий педагогика тармоғи.

У таълим жараёни қонуниятларини ўргатади, принципларини шакллантиради, услубларини аниқлайди ва кузатади, таълимнинг тарбиявий аҳамиятини ўрганади, ундан фойдаланишнинг янада самарали йўли маълумот билим, қобилият ва кўникмаларни, жараёни, натижаси ва воситаларини аниқлайди.

Маълумот жараёни ва натижаси билим, қобилият ва кўникмаларни ўзлаштириш.

Маълумот олишнинг асосий йўли таълим ҳисобланади.

Таълим-билим, қобилият, кўникмалар ва билиш фаолиятини бериш ва ўзлаштириш жараёни, бу икки тарафлама жараён: бир тарафдан унда таълим берувчи (ўқитиш), бошқа тарафдан эса таълим олувчи (ўқиш) ўқитиш ва ўқиш чамбарчас ўзаро боғлиқ ва ўқитишнинг ютуғи бир хилда икки тараф ҳаракати ва фаолиятига боғлиқ. ўқишга истага бўлмаганни ўқита бўлмайди. Демак, ўқув жараёни ўқувчиларда истак уйғота оладиган даражада қурилиши керак.

Таълим жараёни асосий мазмуни билим бериш ва ўзлаштиришдир. Агар билимлар амалий фаолият асосини ташкил этса, қобилият ва кўникмаларни аниқлайди. Демак, таълим жараёни мазмуни иккинчи белгиси моҳиятига кўра билимларни амалда татбиқ қиладиган қобилият ва кўникмаларни бериш ва ўзлаштириш ҳисобланади. Чуқур назарий тайёргарлик юқори амалий малака билан мустаҳкамланиши керак.

Ўқув ишини ташкил этиш асосий шакли ўқувчилар назарий билим оладиган дарс ҳисобланади. Дарсни яхши ташкил этиш, уни қизиқ ва кўргазмали, юқори ғоявий ва илмий кўргазмада ўтказиш ҳар бир ўқитувчи учун мажбурий талаблар ҳисобланади.

Ҳарбий раҳбар гуруҳ билан назарий материални ўтадиган дарслардан ташқари ҳарбий хона ва жойлардаги амалий машғулотлар, ўқ отиш, тактик саф машғулотлари, ҳарбий спорт ўйинлари, экскурсиялар (ҳарбий қисм музейларига), ўзбек халқи инқилоб, жанговор ва меҳнат шухрати жойларига юришлар, ташкил қилинган ўқув кинофильмлар театр тамошаларини кўрсатишлар кенг татбиқ этилади.

Синф (назарий) машғулотларни ҳал қилинадиган ва шу билан бирга баъзи бир ақлий ва сенсор кўникмалар шаклланиши мумкин бўладиган дарс туридаги машғулотдир. Ҳар бир бундай машғулот асосий талаблари деб юқори ғоявийлик, ҳаёт ва ўқувчилар амалий фаолияти билан чамбарчас боғлиқликни ҳисоблаш лозим.

Синф машғулотлари қисм қоидалари, ўқ отиш назарияси, қурол ва техника қисмлари, оммавий яқсон этиш қуроли асосий маълумотлари ва бир қанча махсус ва ҳарбий-техник тайёргарлик саволларини ўрганиш мақсадида олиб борилади.

Чақириққача тайёргарлик дарсларининг қуйидаги асосий турлари мавжуд:

1. Назарий маълумотлар бериладиган янги билимларни бериш дарси.
2. Билим ва қобилиятларни мустаҳкамлаш дарси амалий машғулот шаклида, жой, сафда юриш майдончаси, ҳарбий хонада ўтказилади.
3. Билим ва қобилиятларни текшириш дарси. У оғзаки савол-жавоб, назарий (ёзма) ишлар ёки амалий машғулотлар (сафардаги кўрик, қурол билан усулларни бажариш ва хоказо), назорат ишлари ва машқларни ўз ичига олади.
4. Қўшма дарс ҳарбий таълим тизимида энг кенг тарқалган дарс тури, у бошқа дарс турларига оид белгиларнинг барча ёки катга қисмини ташкил этади: янги билимларни бериш, текшириш, мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Ўсмирлар чақириққача тайёргарлиги дастурида назарий, амалий, намунавий, тактик, тактик - соф назорат машқлари жой олган.

Назарий машғулотлар (маъруза, суҳбат) – оғзаки баён услуби билан ўтказилади, улар ўрганиладиган бўлим бўйича илмий билимлар асосини бериши, диалектик ўзаро боғлиқликда ўқув материали мураккаб саволларини очиб бериши, ўқувчилар ижодий фикрлашининг ривожланиши ва уларда тўғри дунёқарашни шакллантиришга ёрдам бериши, назария ва амалиёт долзарб масалалари, фаннинг замонавий ютуқларини акс этиши ва машғулотларнинг бошқа турлари ва ўқувчилар мустақил ишини ташкил этиш ва ўтказиш учун асос бўлиши керак. Намунавий машғулотлар уларни ўтказиш намунавий ташкилий услубиёти, қуролланиши, ҳарбий техника, муҳандислик қурилмалардан фойдаланишнинг энг самарали услублари ҳамда ўқувчиларни ҳарбий қисм шахсий таркиби жойлашуви ва ҳаёти, қуролланиши ва жанговор техника билан таништиришни намоиш этиш мақсадида ўтказилади.

Амалий машғулотлар қуролланиш, асбоблар ва жанговор техникани амалий ўзлаштириш, уларни татбиқ қилиш, ишлатиш ва сақлаш услубларини эгаллаш, маълум бир кўникмаларни ишлаб чиқиш ва турли усул ва ҳаракатларни бажариш, норматив ва таълим дастурига мувофиқ бошқа саволларни кўриб чиқиш мақсадида ўтказилади. Амалий машғулотларда ўқувчилар билан олинган билим ва кўникмалар такомиллаштирилади, ўқув жойдаги ҳар бир ўқувчининг амалий иши унинг бош мазмунини ташкил этади. Амалий таълимнинг якуний босқичи амалий машғулот ҳисобланади. Улар, одатда, жойларда ўтказилади. Тактик машғулотларда ўқувчиларга аскар, кузатувчининг жанговор муҳитидаги амалий мажбуриятларини бажариши бўйича кўникма ва қобилиятлар сингдирилади, ўқув саволлар ўйлаб қўйилган режа ва тактик шартга кўра тартиб билан ишлаб чиқилади.

Назорат машғулотлари якуний баҳоларни чиқарган ҳолда ўқувчиларнинг билими ва амалий кўникмалари даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Ёзма иш – назорат шаклларида бири, у нафақат ўтилган материалнинг ўзлаштирилганини, балки ўқувчиларнинг ўз фикрларини тўғри баён этиш, аниқ вазифани батартиб бажариш қобилиятини текширади. Дарсда ёзма ишлар сифатида саволларга ёзма

жавоблар талаб қиладиган ёки дастурлаштирилган назорат воситалари жавоблар ёрдамида ечиладиган масалалардан фойдаланиши мумкин.

Бошқа машғулоти каби ўқувчиларни таълим қилишда тайёргарлиги бўйича машғулоти (дарси) ҳам уч қисмдан иборат: кириш, асосий ва якуний.

Кириш қисми – фан хусусиятлари ва машғулоти (дарси) ўтказиш услуби билан аниқланадиган белгилар, миқдор ва мазмундан тузилган таълим қилишда тайёргарликнинг ҳар бир дарси мажбурий белгиси взвод сардори бошқарувида взводни сафга тортиш ва машғулоти тайёрилик ҳақидаги унинг ҳарбий раҳбарга берган ҳисоботи ҳисобланади. Бунда бўйруқларни бериш ва уларни бажариш ҳарбий низомга тўғри келиши шарт. Ҳарбий раҳбар ўқувчиларга фақат "Сиз" деб мурожаат қилиши керак.

Энг кам вақтга эришадиган кириш қисми катта тарбиявий таъсирга эга бўлиши; ўқувчилар фаолиятига тўғри йўналиш бериши керак. Бунга мақсад ва вазифалар шакллари, қизиқарли мисолларни тўғри танлаш орқали эришилади.

Илгари ўрганилган материал ўзлаштиришини текшириш такрорлаш ва назорат ҳамда ўқувчиларни янги материални ўзлаштиришга тайёрлашни мақсад қилиб қўяди, ҳарбий раҳбар уй вазифасини ҳамма бажарганини текширади, одатий хатоларга эътибор беради, ўқувчиларнинг индивидуал тайёргарлигини баҳолайди.

Асосий қисмда ҳарбий раҳбар мавзу, ўқув мақсадлари ва уларни татбиқ қилиш йўллари эълон қилади. Ўқувчилар қизиқиши шаклланиши учун мақсад ва вазифаларни тўғри қўйиш катта аҳамиятга эга. Ҳарбий раҳбар сўзларида ўқувчилар оладиган билим ва амалий кўникмаларининг муҳимлиги ва кераклигини ҳис этиши керак. Ҳарбий раҳбар ўқувчиларда бор бўлган билим, кўникма ва қобилиятларга таянган ҳолда тушунарли, ишончли шаклда янги материални баён этиш керак, материални у усул, ҳаракатларнинг белгилари бўйича ёки бутунлигига аниқ, тартибли кўрсатиш орқали тушунтирилади. Ҳарбий раҳбар томонидан сафдаги усул, жойда ҳаракатлар ёки автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш тартибини намунали кўрсатиш таълимнинг энг самарали усули сифатида ўзини оқлади.

Амалий ҳаракатларни ўрганишда одатда қуйидаги тартиблилик қўлланилади:

1) Таълим олувчи билан эришиши керак бўлган тезликда, бажариш қоида ва тартибини тушунтирган ҳолда ҳарбий раҳбар томонидан ўрганилаётган ҳаракатни кўрсатиш;

2) ишлаб чиқарилаётган ҳаракатни белгиларга бўлиб, уларни секинлаштирилган тезликда кўрсатиш;

3) Таълим олувчилар билан кўрсатилаётган белгиларни, аввал секин, сўнг нормал тезликда англаш, синаб кўриш ва ўрганиш.

4) Алоҳида белгиларни умумий ҳаракатга секин-аста қўшиш ва уни кўникма ишлаб чиқариш мақсадида кўп марта такрорлаш ва берилган нормативгача етказишни эсда тутиш керакки, агар таълим бошида кўникма ҳақида тўғри тасаввур яратилмаса, тўғри кўникма ишлаб чиқариб бўлмайди. Ҳарбий раҳбар билан кўрсатиш – бу ўқувчи интилиши керак бўлган намуна.

Баён этишни ўқувчига янада таниш ва янада аниқ бўлган материаллардан, аста-секин уни мураккаблаштириб, мавҳум тушунчаларга ўтган ҳолда бошлаш керак.

Тушунтиришни соддадан мураккабга, хусусийдан умумийга (индивидуал услуб) ёки аксинча, аввал ҳодиса тушунчасини бериб, сўнг эса уни асослаб, сабаб-натига боғлиқлигини очиқ тушунтириш керак. Амалиётда икки усулни бир дарсда, яъни ўқув материални қисмларга бўлиб, бирини индукция усулидан фойдаланган ҳолда мувоффақиятли олиб бориш, бошқасини эса дедуктив услубни қўллаган ҳолда татбиқ қилиш мумкин.

Ўқув материални қисмлар бўйича баён этганда, аввал баён этилган материал билан айтилаётган қоидалар боғланиши ва ички фан ва фанларaro боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда кейинги материал қисми учун асос бўлиб хизмат қилиши учун унинг тузилиши мантиқийлигига қараш лозим.

Баён этилган материал ўқувчилар билан тўла ўзлаштирилиши учун баъзи бир қоидаларга риоя қилиш керак.

1. Умумий ва ортиқча фикрлашлардан қочиш, фикрни аниқ ва лўнда ифода этиш;
2. Кириш сўзи, узун гапларни, эҳтиёжсиз эргашган қўшма гаплар ва сифатдошларни ишлатмаслик;

3. Имкон борида мураккаб атамани содда тушунча билан, чет тили сўзини эса она тили сўзи билан алмаштириш; ўқувчилар учун янги бўлган сўзлар ва тушунчаларни синф ёзма тахтасига ёзиб чиқиш лозим.

4. Материални тартиб билан баён этганда, уни алоҳида белгиларга (далиллар) бўлиш мақсадга мувофиқ.

Дарсларда ўқувчиларнинг диққат-эътибори ва фаолиятига эришиш охири қондани эсада тутган ҳолда доим риоя қилиш суи бўлса, ҳеч қандай педагогик таъсир этиш воситалари чуқур ва мустаҳкам билимлар билан таъминлай олмайди.

Дарсдаги мустаҳкам эътиборга ўқувчиларда ўқув материалига қизиқиш уйғониши ва мунтазам ушлаб туриши билан эришилади. Маълумки, қизиқишни бутун дарс мобайнида ушла туришдан кўра уйғотиш енгилроқ. Ўқувчиларни қизиқтириш, онгли фаолиятини фаоллаштириш, бутун дарс мобайнида мавзуга бўлган қизиқишни сақлаб қолиш вазифаси турлича ҳал қилинади. Бу ҳарбий раҳбар индивидуал хусусийлари, унинг тайёрланганлиги, педагогик тарбияси ва ҳ.га боғлиқ дарсда ўқув материалини баён этишда ўқувчиларга саволлар бериш тавсия этилади.

Ўқувчилар ҳарбий раҳбар савол бериб қолиши эҳтимолида уни диққат билан эшитадилар. Ўқувчилар жавоби ўқув материали ўзлаштирилгани даражаси ҳақида ҳулоса қилишга имкон беради.

Ўқув материалини оғзаки баён этишда нафақат нутқ маданияти тилининг софлиги, эҳтиёжсиз ишлатиладиган ортиқча сўзларнинг йўқлиги («айтилади» шунга ўхшаш ва ҳ.) балки буйруқ бериш тилига хос бўлган аниқлик, тўғрилиқ, ифодалилик муҳим. Бунинг ҳаммасига машқ қилиш орқали эришилади ва ҳарбий раҳбар доимий мустақил иши натижаси ҳисобланади.

Дарсни қизиқ олиб бориш қобилияти тез ўзлаштирилиб олинмайди фақат ўқув материалини билиш бу учун камдир.

Бир хилда дарсда ўқувчиларнинг қалғиш, тушунтиришлар қуруқ тил билан бир хил оҳангда, зерикарли олиб борилгани учун бу тушунтиришлари эшитмай ўтиришлари қузилди. Одатда, бундай ўқитувчи ўқувчиларининг ўзлаштирилиши юқори эмас. Бунга йўл қўйилмаслик учун ҳарбий раҳбар оғзаки баён этиш услубиётини яхши билиши ва мунтазам равишда нутқ маданиятини такомиллаштирилиши керак. Чақирикча тайёргарлик дарслари самарадорлиги учун ташқи кўриниши, туриш, гапириш шакли қаби ҳарбий раҳбарнинг индивидуал хислатлари катта аҳамиятга эга кейинги озодалик, сарамжонлилиги, ҳарбий қийим ЎзР Қурулли Қучлари низоми билан аниқланган ҳарбий хизматчиларига бўлган мажбурий талаб.

Дарс якуний қисми – бу натижаларни жамлашдир. Дарсинг бу қисми ўқувчиларга ўрганилган материал бош саволлари, назарий билим ва амалий қўникмалар боғлиқлигини эслатишни мақсад қилиб қўяди. Ҳарбий раҳбар бу қисқа вақт ичида дарсинг асосий мазмунини қайта айтиб ўтади, ижобий томонлар ва нуқсонларни, кўрсатади

Мустақил тайёрланиш учун вазифа берганда ҳарбий раҳбар мавзунинг вазифа қайси бўлимларини қандай қилиб мустақил ўрганиш мумкин, ўз ишини яхши ташкил қилиш мумкинлигини тушунтириб ўтади. Мустақил ишга кўрсатмалар аниқ лўнда ва тартиб билан берилиши керак. Якуний қисмга бир соатлик машғулотнинг 5/7 қисми ажаратилади, ҳарбий раҳбар юқори шахсий ташкилилиги ва ўзига мунтазам равишда талабчанлиги шарти билан машғулотларни яхши ташкил қилиш мумкин.

- а) Дала машғулотларини ўтказишда автоматдан ўқ отишни ташкил қилиш ва тактик тайёргарлик саволларини ишлаб чиқиш борасидаги саволларга ҳарбий раҳбарнинг катта эътибор бериши талаб этилади.

У ҳавфсизлик чоралари қисқа вақтли ҳаракатнинг бир марталик жараёни эмаслигини билиши керак, одатда, улар машғулоти тайёрлаш ва ўтказишнинг барча босқичларида мунтазам ўтказилади.

Машғулоти тайёрлаш ва ўтказиш пайтида ҳавфсизликни таъминлашга бўлган муҳим талаблар қуйидагилар: санитария аҳволи, номаълум бўлган жойда машғулоти ўтказиш ман этилади; Машғулотлар учун мазорларга яқин жой ерлари, оқар сув тушадиган жойлардан фойдаланиш қатъиян ман этилади;

- тактик машғулоти ва ҳарбийлаштирилган ўйинларда жанговори ва кичик калибрли ўқларни ишлатиш, ўқув қуролидан турли ўқлар билан ўқ отишлар, топилган портламай қолган граната, снаряд, мина ва бошқа портлайдиган нарсаларни тегиш қатъиян ман этилади (таълим олувчиларда топилган ўқ ва портлайдиган нарсаларни дарҳол олиб қўйиш керак);

- ўқсиз патронларни ишлатиш, пакетлар ва сигнал потронларини портлатиш фақат машқда қатнашаётган ҳарбий хизматчилар, ҳарбий раҳбарга ҳавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда рухсат берилади;

- ўқсиз патронларни фақат жанговори қуролдан отишга рухсат берилади;

- ўқув гранаталарини машғулоти қатнашчиларидан 70-100 м бўлган масофадан отишга рухсат берилади;

- тактика ёки ҳарбий топография бўйича машғулотларда транспорт юрадиган йўлларни ўтаётганда, ер жойи чегараларида қизил байроқ билан белги берувчиларни жойлаштириш лозим, саф тортиб йўллар ва аҳоли шаҳобчаларидан йўл чети бўйлаб ўтиши керак. Колонна одди ва орқасида ҳали қизил байроқли белги берувчилар юриши керак (тунги пайтда ёритгичлар билан).

б) ўқ отиш тайёргарлиги бўйича тактик машғулотларни ўтказишда ўқ отиш тайёргарлигини машғулотларидаги ҳавфсизлик, аввалам бор, уларнинг яхши ташкил қилинганлиги, чоралари таълим олувчилар машғулотларга жалб қилинган бутун шахсий таркиби юқори интизоми, мустаҳкам билим ва ҳавфсизлик қоида ва чораларига аниқ риоя қилиш билан таъминланади.

- ҳарбий хона, ўқув жойларида машғулотлар пайтида танаффусда ман этилади;

- сардор рухсатсиз қуролни олиш;

- ўсмирларни чақириқча тайёргарлиги дастурини бажариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ўқув қуроли, кичик калибрли, пневматик милтиқлар ва улар патронларини ишлатиш;

- одам, ҳайвон ва ҳавога қурол, шу билан бирга ўқув қуролни йўналтириш;

- қаровсиз қуролни ташлаб кетиш;

- милтиқ патронлари, қўл гранаталари пилтаси, қурол жўваланган ва мустаҳкамланган қисмларини ажратиш;

- олиб ўтишда ўқув қуроли ва кичик калибрли, пневматик милтиқлар ўқдан чиқарилган ва жилдланган бўлиши шарт. Қуролни ўқув бинолари ва дала, ўт отишмаси, ўқ отиш мосламаси хонасида фақат «камарга» ёки «елкага» ҳолатида олиб юриш лозим;

- ҳар бир машғулоти олдидан синфда, ҳарбий хонада раҳбар барча қурол ва жанговори аслаҳалар ўқув қуролларини текшириб чиқиши керак.

Айниқса машғулотларда жанговори намуналарини ишлатиш имкониятига йўл қўймаслик учун патрон, граната, граната пилталарини яхшилаб суриб чиқиш керак.

Ҳарбий раҳбар ўқув автоматдаги барча ёғоч ва пласт-масса қисмлар қора рангга бўялишини билиши керак. Ствол қутчаси, қабул қилгич қопқоғи, ствол, қўндоқ ўқдон ва бошқа қисмларга "ўқув" тамғаси босилади. Ҳар бир ўқув автомати, шунингдек таъмирлаш органи бошчиси ва ўқув варианты тамғасига ишланган заводнинг назорат белгисига эга бўлиши керак. Белги автоматик ишлаб чиқарувчи завод белгиси билан, тамға эса завод тамғаси билан ёнма-ён қўйилади.

Ўқув автомати стволи оғзи қисмидан юқорида ва ўқдон томонидан пастда икки тарафлама очик узун ўйиққа (50x3мм) эга бўлиши керак. Ствол қутчасига пастдан

стволдаги ўйикни қисман ёпадиган пластинка пайвандланади. Ствол қутичаси қопқоғи қопқоқ олди деворидан 100 мм нарида икки тарафлама очик узун ёрикка эга бўлиши керак. Тепки ўтмаслаштирилади (Ўткир қирралари зарба келмаслиги учун ишлаб чиқилади. Учининг бутун катталиги ўтмаслаштирилади).

Ўхталиб ясалган ўқув гранаталари ЎҚГ–Н (ҚГД-5 гранатаси қобиғи унга қобиғ бўлиб хизмат қилади) ва ЎҚГ ни (қобиғ бўлиб унга ф-1 граната қобиғи хизмат қилади) жанговарларидан фарқланиши мақсадида қора рангга бўялади ва ЎҚ Г-Н (ЎҚ Г) белгиси, ЎҚ Г га эса бундан ташқари узунасига ва энига қилиб оқ чизиклар қўйилади.

ЎЧТ машғулотларида таълим илғор услубларини татбиқ қилиш, таълим услублари бу таълим бериувчи ва таълим олувчи биргаликдаги, яъни охиргиларнинг билимга, ўрганишга етаклайдиган иш усуллари, таълим услубларининг кўп тури мавжуд. Улардан асосийлари: ўқув материални оғзаки баён этиш (ҳикоя қилиш, тушунтириш, маъруза), суҳбат, мантиқ қилиш, амалий иш, материални мустақил ўрганиш, кўрсатиб бериш.

Ҳикоя қилиш – бу асосий материални ташкил қиладиган ҳодисаларни қисқа, образли, эмоционал баён қилиб бериш. Ҳикоя қилиш баённинг ҳикоя шакли ҳикоя қилиш билан бир қаторда унда муҳокама, тасвир белгиси ҳам бор. Ҳикоя қилишда ҳикоя (тартибли, мантиқий боғланган баён), тасвирлаш (қуролланиш ва жанговор техника ташқи кўриниши ва қурилиши, маълумотлар), сўз билан бериш, муҳокама (фикрларни мантиқий тартиб билан каби усуллар ишлатилади. Ҳикояга 20-30 дақиқа ажратилади. Одатда ҳикоя тушунтириш, турли кўргазмали қуролларни намойиш қилиш билан олиб борилади.

Тушунтириш – бу мураккаб савол қоида, тамойил, қонунлар, намойиш этиш билан бириккан, қурол, асбоблар қисмлари, схема, ҳаракат усуллари тартибини мантиқий баён этиш.

Тушунтириш – бу ҳаракатлар жараёни билан ҳодисалар маъносини очиб бериш ва шунинг учун муҳокама, исбот қилиб бериш унда марказий ўринни эгаллайди. Материлани тушунтирида ҳарбий раҳбар лўнда хулоса ва таърифларни аниқ ифода қилиб, гапирди. Ўқувчилар фикрини фаоллаштириш ва тўғри тушунчанини текшириш учун ҳарбий раҳбар таълим олувчиларга саволлар беради ва жавобини талаб этади.

Маъруза – баён этиладиган материал ёйилган назарий хабари, илмий тахлили. Маърузанинг бош мақсади таълим олувчига уларнинг келгуси мустақдп ишида ёрдам бериш. Маърузада мавзунинг энг мураккаб асосий қоидалари баён этилади. Адабий манбалар таҳлил қилинади ва мазкур муаммо устида келгусида қандай ишлаш кераклиги ҳақида маслаҳатлар берилади. Маърузада ҳикоя қилиш ва тасвирлаш, далил ва мисоллар тахлили, тушунтириш ва исботлар, умумлаштириш ва хулосалар белгилари биргаликда мужассам этади.

Ўқув материални оғзаки баён этишга асосий талаблар қуйидагилар: баённинг асосийлиги, ўзлаштирилишнинг енгиллиги, кўргазмалилик, эслаб қолиш мустаҳкамлиги.

Суҳбат – ўқувчиларни янги билимлар билан содда ва тушунарли қилиб бойитиш маъқул имкониятларидан бири. Бу ерда суҳбат ўқув материални муҳокама қилиш шаклларида бири сифатида кўриб чиқилади. Бундан ташқари суҳбат таълим олувчиларда илгари олинган билимларни аниқлаш, уларни чуқурлаштириши ва тартибга солишга ёрдам беради. Мақсадга кўра суҳбат хабар берувчи (янги билимларни хабар қилиш), ёйилган (олинган билимларни тартибга солиш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш), назарий - текширувчи (ўқув материални ўзлаштириш даражасини текшириш) бўлиши мумкин.

Суҳбат олдиндан тайёрланган, мақсад, вазифа, мазмуни ва ўқувчилар билими даражаси эътиборга олинган ҳолдагина ижобий натижалар бериш мумкин.

Машқ қилиш – ўқувчиларда кўникма, қобилиятларни ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш мақсадида маълум бир усул ва ҳаракатларни кўп марталик енгил мураккаблаштирилиб борадиган такрорлашдир.

Машқ боришида ўқувчилар қурол ва жанговор техникадан фойдаланишнинг ва хизмат кўрсатишнинг амалий усуллари, тактик, ўт отиш ва техник масалаларни ҳал этиш усуллари, пиёда сафдаги, автомобил ва жанговор машиналардаги ҳаракатларни бажариш.

Ўқувчилар томонидан машқларни бажариш мақсади, мазмуни ва қатъий тартибини тушуниш катта аҳамиятга эга. Мураккаб машқ ва ҳаракатларни уларнинг таркибий қисмларига бўлиш мумкин. Машқ пайтида аввал тўғри ҳаракатларга эришадилар, кейин эса теачикни ортирадилар.

Амалий иш – қуролланиш ва жанговор техника хизмати, сақланиши, тежалиши, қуролни қисмларга ажратиш ва йиғишни бажариш ва бошқа ҳаракатлар ўқувчилар таълими ниҳоясида муҳим ва амалий услуб ҳисобланади. Уларнинг боришида ўқувчилар илгари олган кўникма ва қобилиятларини ривожлантиради ва такомиллаштиради. Ўқув материални мустақил ўрганиш макет, кесма намуна, амалий схема ва бошқа ўқув қўлланмалардан фойдаланган ҳолда қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш йўли орқали амалга оширилади. У одатда маслаҳат, кўрсатма, қўлланмаларни такрорлаш, бошқа адабиёт ва маълумотномалардан фойдаланиш билан олиб борилади. Мустақил иш сифатини оширишда асосий ўринни унинг ташкил қилиниши, вазифа ҳажмини аниқлаш, ҳарбий раҳбар томонидан ёрдамни назарот қилиш эгаллайди.

Таълим амалиётида комплекс услуб энг кенг тарқалган. Бунда бир машғулотда таълим-тарбия бир қанча услублари ишлатилади.

Ўқув - дала йиғинларида юқорида кўриб чиқилган машғулот шакл ва услубларига қўшимча қилиб қуйидагилар ишлатилади:

Тактик саф машғулотлари – 3 кунлик ўқув-дала йиғинларида ўтказилади. Уларда тактик таълим шароитида аввал алоҳида ҳар бир ўқув савол, усул, ҳаракат, кейин эса бутунлигича ўйин белгиларини киритган ҳолда барча саволлар ишлаб чиқилади. Бунда машғулотни ўтказиш учун жой танлаш ва жиҳозлаш ва унинг ҳар тарафлама моддий таъминлаш катта аҳамиятга эга. Машғулотлар жойи таълим олувчиларга вазият мураккаб шароитларида ҳаракат қилишга ёрдам берадиган жанг даласига қайсидир даражада ўхшатиш керак. Ҳаракатларни олдиндан тайёрланган таълим олувчилар билан белгиланиши мумкин. Машғулотларни ўтказишда ҳарбий хизматчилар иштирокида нишон, йўналишлар макети, ўт отиш воситалари ишлатилади. Тактик тайёргарлик ва фуқаро мудофаси бўйича амалий машғулотларларини ўқув шаҳарчасида ўтказишда масофага кўра кичрайтирилган нишон ва макетлар ишлатилади.

Тактик машғулотлар – 3 кунлик ўқув дала йиғинларида таълим олувчиларга ҳақиқий вазиятга яқинлаштирилган тактик вазиятдаги машғулотнинг барча ўқув саволлари бўйича комплексда ҳаракатланиш кўникмаларини сингдириш мақсадида ўтказилади. Бу машғулотларда битта взвод ҳужумда, бошқаси мудофада ҳаракат қилади. Бу машғулотларни ўтказишда ҳарбий раҳбарга ёрдам кўрсатиш учун ҳарбий қисм, ҳарбий ўқув юртлари ва фуқаро олий ўқув юртлари ҳарбий кафедралари ҳарбий хизматчилари (имкон борича) таклиф қилинади.

Амалий, тактик – саф ва тактик машғулотларига таълим олувчилар автомат, газга қарши мослама, пиёда белкураклари ва камардаги жиддларда байроқчалар билан чиқади. Бундан ташқари, ҳар бир таълим олувчида гранаталар учун халтачалар ва ўқув гранаталари бўлиши керак. Барча таълим олувчилар жойларда амалий усул ва ҳаракатларни бажара олиши учун кийинган бўлиши керак. Бу маҳиғулотлар самарадорлигини ошириш учун взвод ва бўлинмалар сардорлари ичидан ёрдамчилар тайёргарлигини уларни ўтказишдан олдин ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, бунда уларни қуруқликдаги қўшинлар жанговор низоми (3-қисм) қоидалари билан танштириш, ҳаракатларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган саволларни ҳамда ҳавфсизлик чораларини ўрганиб чиқиш керак.

Чақириққача тайёргарлик тизимида энг яхши ҳарбий раҳбарлар тажрибасига кўра дастурлаштирилган таълим, муаммоли, билим ва кўникмаларни босқичма-босқич

шакллантириш, таянч конспектлари бўйича ўқитиш, мусобақали ва ҳ. услублари каби самарали услублари кенг тарқалган.

Дастурлаштирилган таълим услуби бу ўқув материални қисмларга янада фойдали ажартиш ҳамда машғулоти раҳбари билан жойлардан маълумотларни, яъни таълим олувчилар томонидан ўқув материалнинг ҳар бир қисми ўзлаштирилиши сифати ҳақида қайтарма алоқа аталмиш ёрдамида (машина ёрдами ёки машинасиз) узлуксиз олиш. Бу услуб ўқув материални янада мақсадга мувофиқли тартиб ва ҳажмда беришга ёрдам беради. Бу услубни мувофақиятли татбиқ қилиш учун яхши ўйлаб чиқилган дидактик материал талаб қилинади.

Муаммоли олиб бориш – таълим олувчиларга охирида ҳулосалар берилмайди, балки фақат ҳақиқатга эришиш, тўғри қарор қабул қилиш учун бориш керак бўлган йўл кўрсатилади. Ўрганиладиган материал муаммоли хусусиятга эга бўлиши учун таълим олувчилар билан нафақат муаммо деб қабул қилинадиган, балки уларни кизиқтирган, тўғри жавобни қидириш ҳоҳиш ва заруриятини уйғотадиган асосий саволни топиш жуда муҳим машғулотида (дарсида) муаммоли вазиятни яратиш таълим олувчиларнинг ўрганилган материалга қизиқишини оширади ва шу билан улар фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

Таянч конспектлари бўйича таълим услуби (шаталов услуби аталмиш) ўқув материал таълим олувчиларга янада муҳим қоидалари, саналари, таърифлари, номлари ва улар билан боғлиқлигини ақс этадиган таянч конспектлари ёрдамида берилади. Таянч конспектлари бўйича ўқитишда ўтилган материални янада мустаҳкам ўзлаштириш, мустақил тайёрланишда уни такрорлаш ва эслаб қолишга вақтни қисқартиришга эришилади.

Мусобақали услуб ким тезроқ ва яхшироқ ҳаракат, усул нормативини бажаришдир. У таълим олувчиларда тортишувлик, яхшиларга тенглашишга интилиш, қолоқларга ёрдам бериш ва уларни илғорлар даражасига етказиш ҳислатларини ривожлантириш учун йўналтирилган мусобақали услуб, тактик, ўт олиш, саф тайёргарлиги ва бошқа фанлар бўйича усулларни ишлаб чиқиш ва нормативларни бажаришда ишлатилади.

Шундай қилиб, ўқувчилар таълими асосий услубларининг дидактик вазифаси, тузилиши ва мувофақиятли татбиқ қилиш шартлари тавсифланади. Бўладиган машғулоти учун ҳарбий раҳбар таълим услубларини танлашда ўқув-тарбиявий вазифа хусусияти, ўқув материал мазмуни, ўқувчилар тайёрланганлиги даражаси, моддий база ҳолатидан келиб чиқади. Бунда ижод белгиси, зобитнинг ўз тажрибасига танқидий қараш, эскириб қолган усулларни ташлаб, таълим услубиётидаги янгиликни, илғорликни ишлатиши катта ўрин тутади.